

**РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ
МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

**И. ИСМАИЛОВ, М. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Н. ИСРАИЛОВА, Ф. АЗИМОВА**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТСИЗЛИГИ ВА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ**

Ўқув-амалий қўлланма

Тошкент – 2011

УДК 343.851.5

67.51

И – 81

И. Исмаилов, М. Зиёдуллаев, Н.Исраилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма / Масъул муҳаррир И. Исмаилов. – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. – 179 б.

Мазкур ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Ижтимоий хавfli гуруҳга кирувчи вояга етмаганлар билан ижтимоий-тарбиявий ва профилактика ишларини олиб бориш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни тадқиқ этиш» мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида яратилган.

У болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни тартибга солувчи Халқаро стандартлар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган.

Икки асосий қисмдан таркиб топган қўлланманинг биринчи қисмида БМТнинг болалар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга доир раҳбарий принциплари ўрганилган ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланганлиги, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қўлланилиши таҳлил қилинган. Унинг иккинчи қисмида бола қонунга хилоф хатти-ҳаракат, хусусан, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганда унинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, таълим муассасалари, жамоат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро нормалар ва Миллий қонунчилик, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга ошириши лозим бўлган фаолиятлари юзасидан тавсиялар ёритиб берилган.

Қўлланма олий ўқув юртларининг тингловчи ва талабалари, аспирант ва илмий ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, педагог ва психологлар, ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фани билан қизиқувчиларга шунингдек, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича мутасадди ходимлар ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

ББК 67.51

Такризчилар: юридик фанлар доктори, профессор **Қ.Р. Абдурасулова**
юридик фанлар номзоди, доцент **Н.Т. Исмоилов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Юридик фанлар кафедралари Илмий-методик кенгаширининг 2011 йил 13 майдаги мажлисида мақуullanган (11-сонли баённома) ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Илмий-методик кенгаширининг 2011 йил 8 июндаги 1-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-386-389-1

© РБИММ, «MUNHARRIR» нашриёти, 2011

I. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР РАХБАРИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:

бола – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

оила – никоҳ ва қариндошликка асосланиб ташкил топадиган кичик гуруҳ, кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий маданий организм. Оила – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (никоҳни фуқаролик ҳолатларида қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу кабилар) муносабатларига асосланган бирлик;

назоратсиз бола – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

қаровсиз бола – аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган¹;

ижтимоий етимлик – боланинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар бўла туриб, уни назоратсиз ва қаровсиз қолдириш. Ижтимоий етимликнинг келиб чиқишидаги асосий сабаблардан бири – бу оилавий муҳит, оиладаги тарбиянинг етишмаслиги;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оила – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлайётган оила;

тарбия – бола шахсининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб шаклланиши ва ривожланиши учун қаратилган мақсадли йўналтирилган узлуксиз фаолият;

болага лоқайд муносабатда бўлиш – ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, шунингдек бошқа шахслар томонидан болаларни боқиш, тарбиялаш, соғлом турмуш кечириш шароитларини яратиш, уларга узлуксиз таълим бериш ва шу қабиларни таъминлашга доир ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликлари;

болага нисбатан зулм – боланинг ихтиёрига зид равишда ёки унинг кўмакка муҳтож ҳолатидан фойдаланиб, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини бузувчи жисмоний, жинсий ва руҳий таъсир кўрсатиш;

девиант хулқ-атвор – (лот. *deviatio* – оғиш) жамиятда умумқабул қилинган ва шаклланган, ҳуқуқий ва ахлоқ нормалари билан тартибга солинадиган меъёрлардан оғувчи хулқ-атвор. Ушбу хулқ-атвор орқали нафақат жамиятга, бошқа шахсларга, қолаверса шахсининг ўзига ҳам зарар етади;

тажовузкорлик (агрессия) – шахсининг бузғунчиликка интилиши билан характерланувчи хусусият бўлиб, асосан субъектлараро муносабатлар соҳасида намоён бўлади;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фoҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари;

ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик — жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади¹. **Ушбу қўлланмада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар** – амалдаги қонун ҳужжатларига биноан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, МЖТК ва ЖК билан кўриқланадиган объектлар ва ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар²;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар – жамиятда маъқулланган ахлоқ-одоб, ҳуқуқ нормаларига зид ҳаёт тарзини юритувчи: муқаддам судланганлар, гиёҳвандлар, спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу кўйганлар, фоҳишалар, бесоқолбозлар, қиморбозлар, фоҳишахона ва қиморхона сақловчилар, оилавий жанжалкашлар, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар ва бошқа тоифадаги шахслар;

ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш сиёсати – Ўзбекистон Республикаси ички сиёсатининг алоҳида мустақил соҳаси бўлган жиноятчиликка қарши курашнинг устувор соҳаси ҳисобланади³;

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишни бошқариш – ушбу соҳада ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, улар асосида қарор қабул қилиш, ҳуқуқбузарликларни башорат қилиш ва уларга қарши курашни режалаштириш ҳамда эришилган натижаларни баҳолаш жараёни;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатга эга бўлган субъектлар ва кенг жамоатчиликнинг жамиятда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини бартараф этиш ва зарарсизлантириш, қонунга зид ижтимоий хавфли қилмишларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида

¹Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001.

²Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 14-м.

³Қаранг: *Пулатов Ю.С.* С чего начинается реформирование органов внутренних дел // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 80-84.

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга умумижтимоий, махсус ва якка тартибда тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам ва назорат қилиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, маънавий-руҳий, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув мазмунига эга бўлган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат узлуксиз мураккаб жараёндир. Ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш – жиноятчиликка қарши кураш соҳасининг энг долзарб, самарали ва инсонпарвар йўналишидир. Криминологияда ҳуқуқбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш: рецидив, вояга етмаганлар, аёллар, зўравонлик, ғаразгўйлик, иқтисодий, уюшган ва бошқа алоҳида турлари бўйича ўрганилади. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётида жиноятчилик алоҳида турларининг олдини олиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади¹;

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш – вояга етмаганлар томонидан қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитларни келтириб чиқарувчи, озиклантирувчи, жамиятда ижтимоий ҳодиса сифатида унинг бўлишини тақозо этувчи ҳодиса, воқеа, жараёнларни камайтириш, зарарсизлантириш, чеклаш, уларга тўсиқлар ўрнатиш ва бартараф этиш бўйича давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган комплекс ижтимоий ҳуқуқий жараён²;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими³;

¹Криминология: Дарслик /проф.З.С.Зарипов таҳрири остида.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.- 152-155-б.; Криминология: Учебник для вузов / Под общей редакцией проф. А.И.Долговой. – М., 2000.

²Криминология: Дарслик / проф. З.С. Зарипов таҳрири остида.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.

³Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

дастлабки профилактика – шахсда жамиятга зид қарашлар шаклланиши, унинг ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига зид қилмиш содир этишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий-профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни;

умумий профилактика – ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, кучсизлантириш ва уларнинг таъсирига тўсиқлар қўйиш, шунингдек фуқароларни амалда қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни;

якка тартибдаги профилактика – махсус ваколатга эга бўлган субъектлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан амалга ошириладиган тарбиявий-профилактик, иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам, маъмурий мажбурлов таъсир чораларини амалга ошириш жараёни;

вояга етмаганлар ўртасидаги якка тартибдаги профилактика иши – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият¹;

махсус профилактика – махсус ваколатга эга бўлган субъектлар томонидан алоҳида турдаги, шунингдек муайян ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган тарбиявий-профилактик, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни;

боланинг ижтимоий мослашуви – боланинг ижтимоий муҳит шарт-шароитларига кўникиши, мослашиши, ўрганиши;

бола реабилитацияси – бу бола организмнинг бузилган функцияларини тиклашга йўналтирилган тиббий, психологик-педагогик, меҳнат тадбирлари ҳамда девиант хулқ-атворли болаларда турмуш тарзини ўзгартиришга йўналтирилган нуқсон ўрнини тўлдириш ва ижтимоий оғишини компенсациялаш;

¹Ўша жойда. – 3-м.

бола ресоциализацияси – ижтимоий кўникмаси шаклланмаган ва мослашувини йўқотган болаларда ижтимоий кўникмани шакллантириш ва йўқотилганларни тиклаш бўйича ижтимоий педагогик жараённи ташкил этиш, тегишли педагогик шароитда муносабатларни ижобий йўналтириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш объекти – ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шароитлар, криминоген вазият ва омиллар, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар¹;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъекти – ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш объектларига нисбатан ўз ваколатлари доирасида умумий, махсус ва яқка тартибда профилактик таъсир чораларини амалга оширувчи шахслар. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектлари бўлиб, давлат ҳокимияти органлари, унинг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, маъмурияти ҳамда уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар ҳисобланади².










вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг умумий субъектлари – бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатдан ўтган, ўз ваколатлари доирасида жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни ва муносабатларни шакллантириш орқали вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ҳамда улар билан боғлиқ турли ижтимоий-салбий иллатларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларининг таъсирини йўқотиш, зарарсизлантириш, бартараф этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар. Умумий субъектларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик Палатаси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Республика, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар киради.

¹Криминология: Дарслик /проф. З.С. Зарипов таҳрири остида.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 161-164 б.

²Криминология: Учебник для вузов /Под общей редакцией проф. А.И. Долговой. – М., 2000. – С. 350-365.

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг махсус субъектлари – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари асосида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш фаолиятини бевосита ташкил этиш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар. Махсус субъектларга прокуратура, адлия, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ёшлар сиёсатини амалга оширувчи, ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилувчи ихтисослашган бўлинмалари, ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, маданият ва спорт муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш комиссиялари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, «Яраштириш комиссиялари» ва бошқалар киради.

Изоҳ. Қўлланмада ўқувчига тушунарли бўлиши учун муаллифлар томонидан айрим ранглардан фойдаланилган:

-  – қўлланманинг бўлимлари;
-  – қўлланма бўлимларининг қисмлари;
-  – вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга оид халқаро ҳуқуқдаги асосий принциплар;
-  – вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга оид асосий принципларни амалга оширишни таъминловчи субъектлар;
-  – қўлланманинг тегишли жойида келтирилган мулоҳазани мустаҳкамловчи бошқа бир халқаро ҳуқуқий норма;
-  – вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар;
-  – бола билан яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш талаб этиладиган алоҳида ҳолатлар;
-  – бола билан яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш бўйича жавобгар субъектларнинг ҳаракатлари;
-  – қўлланманинг тегишли жойида келтирилган мулоҳаза юзасидан эслатма.

2. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТСИЗЛИГИ ВА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг ҳуқуқий асослари – жамиятда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда профилактик фаолиятни белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг ҳуқуқий асосини бу соҳадаги халқаро норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик ва давлат қўмиталарининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг ҳуқуқий асослари:

а) халқаро норматив ҳужжатлар:

– Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь);

– Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабрь);

– Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 йил 18 декабрь);

– Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 йил 10 декабрь);

– Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил 21 декабрь);

– Ногирон бўлган одамлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, (2006 йил 13 декабрь);

– Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил 20 ноябрь);

– Болалар савдоси, бола проституцияси ва бола порнографиясига қарши бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияга қўшимча протокол (2000 йил 25 май);

– БМТнинг Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари (1986 йил 21 май);

– БМТнинг Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича дастурий принциплари («Ар-Риёд» дастурий принциплари) (1990 йил 1 декабрь);

– Жиноятдан жабр кўрган ва жиноят гувоҳи бўлган болаларни ҳимоялаш тўғрисидаги декларация (2005 йил 22 июль);

– Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартибни сақлаш борасидаги хулқ-атвор кодексини самарали амалга ошириш учун раҳбарлик тамойиллари (1989 йил 24 май);

– Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (1957 йил);

– БМТнинг қамоқхонага қамаб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари») (1990 йил 14 декабрь);

– Жиноятдан жабр кўрганлар ва мансабни суистеъмол қилганлик учун одил судлов асосий тамойилларининг декларацияси (1985 йил 29 ноябрь);

– Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий тамойиллари (1990 йил 14 декабрь);

– Ҳар қандай шаклда ушлаб олиниш ёки қамоқхонага қамаб қўйилишга учраган барча шахсларни ҳимоя қилиш бўйича тамойиллар тўплами (1988 йил 9 декабрь);

– Ҳуқуқий тартибни сақлаб туриш бўйича мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қуроллардан фойдаланишнинг асосий тамойиллари (1990 йил 7 сентябрь) ва бошқ.

б) миллий қонунчилик:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь);

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябрь);

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994 йил 22 сентябрь);

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил 22 сентябрь);

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995 йил 21 декабрь);

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (1997 йил 25 апрель);

– Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998 йил 30 апрель);

- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабрь);
- Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни (2008 йил 7 январь);
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни (1991 йил 20 ноябрь);
- Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2010 йил 29 сентябрь);
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни (1999 йил 14 апрель);
- Ўзбекистон Республиканинг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни (2001 йил 29 август);
- Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни (1991 йил 15 февраль);
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 йил 29 август);
- Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори (2008 йил 29 февраль);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2001 йил 27 март);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони (1996 йил 14 апрель);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия» номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони (1999 йил 10 июнь);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги фармони (2006 йил 10 октябрь);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (2004 йил 25 май);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини

такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари», «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар» тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (1999 йил 19 апрель);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори (2000 йил 15 февраль);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори (2000 йил 25 август);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори (2001 йил 5 февраль);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2001 йил 18 май);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВда жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика хизматининг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2001 йил 6 июнь);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2001 йил 12 июнь);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2002 йил 31 октябрь);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини ва фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 22 август);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 3 июнь);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2008 йил 22 май);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2008 йил 26 май);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2010 йил 26 ноябрь);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 28 февраль);

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори (1998 йил 11 сентябрь) ва бошқ.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади¹.

3. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДАГИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА МУСТАҲКАМЛАНГАНЛИГИ

Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим қирраси ҳисобланади².

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

²Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

Ўзбекистонда жиноятларнинг олдини олиш – жиноятчиликка қарши курашнинг устувор йўналиши. Вояга етмаганлар қаровсизлиги ва жиноятларининг олдини олиш давлат сиёсати даражасида ҳал этилиши амалдаги қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар ҳам *ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳисобланади*¹.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

– вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

– вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;

– ички ишлар органлари;

– таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

– васийлик ва ҳомийлик органлари;

– соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

– меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1–2. – 1-м.

Кўрсатилганлардан ташқари органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади¹.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мамлакатимизда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони, унинг ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВда жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ёшлар ўртасида жиноят содир этишга мойил бўлганларни аниқлашда профилактик ишларнинг самарадорлигини таъминлаш, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган ёшларни ишга жойлаштириш, милиция таянч пунктларини ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масканига айлантириш, милиция таянч пунктларининг инфратузилмаларини такомиллаштиришда ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлаш *ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари* деб белгиланган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда: ёшлар орасида қонунга хилоф фаолиятнинг олдини олиш юзасидан самарали оператив-қидирув тадбирлар ўтказиш, уюшган гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг ёшлар орасида наркотизмни тарқатиш фаолиятининг олдини олиш, шунингдек шахарлар, аҳоли турар жойлари, қишлоқ жойларида биринчи навбатда ёшлар орасида профилактик, огоҳлантириш тадбирларини ўтказиш ва

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4, 8-моддалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

²Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –Т., 2001. – № 9–10. – 168-м.

жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг бошқа ташкилий тузилмалари, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари, патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари бўлинмалари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш *ички ишлар оператив хизматларининг*;

ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик ишларни, шунингдек амалдаги қонунчиликни тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ички ишлар *тергов хизматларининг*;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўрасида таълим муассасаларида ёшларнинг жам бўлиб яшаш жойларида, уларнинг турар ва иш жойларида профилактик тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ёшларни ишга жойлаштириш, ўсмирларнинг ўқиш ва ишдан бўш вақтларини ўтказишини ташкил этиш юзасидан тадбирларни амалга ошириш *ички ишлар профилактика хизматларининг* асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қилиб белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш энг сўнгги мажбурий чора сифатида қўлланилади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи муассасалар ҳисобланади.

Ҳар бир бола оиласини, давлат ва жамиятни унинг вояга етмаганлик ҳолати талабидан келиб чиққан ҳолда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга².

Қонуний, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этиш мобайнида жамият ва ҳаётга нисбатан инсонпарварлик қарашларини шакллантириб бориш асносида ёшлар жинсий фаолиятга йўл қўймаслик принциплари руҳида тарбия топиши мумкин³.

¹Қаранг: Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Хуқуқ–Право–Law. – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 80-84.

²Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 24(1)-моддаси; Америка Конвенциясининг 19-моддаси; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациянинг 2-принципи.

³Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

Ўзбекистонда болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш; уларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш; уни Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш; унинг шахсини, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир¹.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор йўналиш бўлиб, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш давлат сиёсатининг бу соҳадаги асосий принциpidир².

Ўзбекистонда жамоат тузилмалари, шу жумладан *ёшлар ва болалар ташкилотлари* фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; *ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси*; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади³.

Давлат истеъдодли ёшларни алоҳида қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар истеъдодли ёшларни аниқлашда ва уларнинг ижодий камол топишида кўмаклашишлари шарт. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида фан ва техника, иқтисодиёт, бошқарув, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни қидириб топишни, уларни муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашни амалга оширишда моддий-техника базалари билан таъминланган давлат муассасалари, жамоат

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

²Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 1997. – № 9. – 225-м.

³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2003. – 56-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунининг 1, 3-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Т., 1991. – № 4. – 76-м.

ташкilotлари, комиссиялари фаолият кўрсатади. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат фондлари ва бошқа манбалардан пул билан таъминланади¹.

Ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-этиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Ниҳол» мукофоти берилади.

«Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабоқ олиш, хорижий мамлакатларнинг нуфузли даргоҳларида малака ва маҳоратларини ошириш имкониятларига эга бўладилар².

Ўзбекистон Республикасида шахснинг баркамол камол топишига, ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар марказлари ташкил этилган.

«Баркамол авлод» болалар марказлари қўйидаги вазифалар юклатилган:

Давлат жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир боланинг ёшини ва жамиятга мослашишга ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этишга хоҳишини ҳисобга олиб, у билан муомала қилишда бола қадр-қиммати ва аҳамиятини билишни ривожлантиришга ёрдам беришини тан олиши зарур³.

Яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга: ташаккур эълон қилиш; илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш; ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш; қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш; қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи бериш;

¹Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 9-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 1998. – № 5–6. – 102-м.; 2004. – № 5, – 90-м.; 2005. – № 1. – 18-м.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низом.

³Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 40(1)-моддаси.

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш; энгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш каби рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин¹.

Ар-Риёд дастурий принципларини талқин этиш мақсадлари учун болалар эҳтиёжлари мўлжал қилиниши зарур².

Ўзбекистонда болаларнинг адолатли шароитда яшаш ва ўсиб-улғайиш³, таълим⁴, тарбия⁵, санъат⁶, маданият⁷, дин⁸, спорт⁹, касб ўрганиш, меҳнат қилиш, дам олишга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ инобатга олинган ҳолда, уларга нисбатан давлат сиёсати амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Болаларга оид, шу жумладан судлар, маъмурий ва қонун чиқарувчи органлар томонидан ҳар қандай чоралар биринчи навбатда бола манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши зарур¹⁰.

Навқирон инсонлар жамиятда фаол роль ўйнаши ва унинг тўлақонли иштирокчиси бўлиши лозим ҳамда уларга нисбатан

¹Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 102-м.

²Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2003.– 24-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси.–Т.,1992.– № 2.–80-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод» Давлат дастури.

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 1997. – № 9. – 225-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралдаги «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги «Ёш истеъодлар учун «Нихол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги фармони билан тасдиқланган «Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисида»ги низом.

⁸Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури 8, 9, 16, 17, 29-31-бандлари.

⁹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарори.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарори.; ²Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 3(1)-моддаси.

жамият ҳаётига тайёрлаш ёхуд назорат қилиш объекти сифатидагина қаралмаслиги лозим¹.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳам катталар каби жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар мавжуд.

Барча фуқаролар, шу жумладан вояга етмаганлар ҳам бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга².

Фуқаролар бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, билим олиш, бепул умумий таълим олиш ҳамда илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларини амалга ошириш орқали жамият ишларида фаол иштирок этади³.

Ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга Конституция ва қонунлар доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олишларига кафолат бериш; жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоидаларидир.

Ўзбекистонда илмий, техникавий, маданий ва бошқа ижодий фаолиятни, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат-жамоат ёшлар жамғармалари ташкил этилган.

Ўзбекистонда ёшларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш мақсадларида ёшларнинг жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатади⁴.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига асосан:

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 18-м.

³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 35, 41, 42-м.

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 1, 17, 19-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.

– Ўзбекистонда болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш; унинг шахсини, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш; улар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир;

– оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир;

– ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга;

– ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно;

– порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади;

– бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин;

– боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир;

– ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга;

– ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин;

– болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун – улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади;

– давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир;

– таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак;

– давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади;

– ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган яқка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга¹.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин².

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ўзини кўрсатиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилган.

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш; уларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш; уларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ-одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

²Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 98-м.

ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш; уларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш **«Камолот» жамғармаси** фаолиятининг асосий йўналишларидир¹.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Қуйидагилар:

– болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

– болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

– болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

– иқтидорли ёш спортчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади².

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 14 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистонда болалар ва ёшлар спортга умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ташкил этилиши орқали ҳам жалб этилади. Ушбу мусобақаларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва жамоат ташкилотлари томонидан таъминланади¹.

Барча болаларнинг ўз қарашларини эркин баён қилиш ҳуқуқига мувофиқ уларга тааллуқли барча масалалар бўйича болаларга уларга оид барча муҳокамаларда ё шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали тингланиш имконияти берилиши керак. Боланинг фикрлари унинг ёши ва ақлига мувофиқ даражада аҳамиятга эга бўлиши керак².

Мазкур Дастурий принципларни миллий ҳуқуқ тизимига мувофиқ амалга оширишда эрта болалик давридан оқ ёшлар фаровонлигини таъминлаш жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай дастурнинг диққат марказида туриши лозим³.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда: миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш; ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши,

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

²Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси.

³Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

авлодларнинг маънавий алоқасини таъминлаш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоидалари этиб белгиланган¹.

Ўзбекистонда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишидир.

Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди².

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

Ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда:

– боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади;

– бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди;

– ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

– экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамокқа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир боланинг гайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашда:

– боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонун

¹Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.

²Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4, 12-моддалари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади;

– ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт;

– ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга;

– Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оилага, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради;

– қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади;

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларида қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

Ҳар бир боланинг турар жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлашда:

– турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади;

– тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади;

– васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади¹.

Ҳар бир боланинг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқини таъминлашда:

– ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобилиятлари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди;

– болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишни ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади;

– давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади².

Болаларни ушлашга оид бўлган нормалар, болалар учун кўпчилик ҳолларда энг маъқули уларни ота-оналаридан ажратмаслик ҳисобланади деган принципга асосланади³.

Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги сиёсатни амалга оширишнинг шунингдек мунтазам равишда ўрганиш ва чоралар ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва муҳимлигини тан олиш лозим⁴.

Ўзбекистонда болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш; бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш; бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш; болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир⁵.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 13, 14, 19-моддалари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

²Ўша жойда. – 21, 25-м.

³Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 9-моддаси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациянинг 6-принципи.

⁴Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

⁵Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

Болани ўзининг ривожланишига жиддий зиён етказмайдиган ёки бошқаларга зарари тегмайдиган хулқи учун жазолашдан ҳамда криминализациядан эҳтиёт бўлиш керак.

Бундай сиёсат ва чораларда қуйидагилар кўзда тутилиши зарур:

а) имкониятларни, хусусан, таълим олиш соҳасида, ёшларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва барча ўсмирлар, айниқса, таҳдид остида ёхуд ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва алоҳида ғамхўрлик ҳамда ҳимояга муҳтож ёшлар шахсини ривожлантиришни таъмин этадиган қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш имкониятларини таъминлаш¹.

Ёш фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини шахснинг кадр-қимматини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар жойда ҳар томонлама ҳимоя қилишни ўз ичида олади.

Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти идоралари, шунингдек ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилади².

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий жиҳатдан ўсишини ва Ўзбекистон халқининг манфаатлари йўлида ижтимоий камол топишини таъминлаш учун ёш

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

²Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.

фуқаролар ва уларнинг оилаларига бериладиган давлат кафолатларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар учун:

– бепул тиббий хизмат;

– бепул таълим олиш;

– спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда қатнаш;

– уй-жой куриш, рўзгор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

– дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий компенсация олиш ҳуқуқи; ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаш ва куриш чоғида ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

– ўқувчилар, талаба ёшлар ва вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш имтиёзлари;

– вояга етмаганларга компенсация тўловларини кафолатловчи ижтимоий таъминланиш минимуми белгиланади.

Вояга етмаганларни, ёш фуқароларнинг айрим тоифаларини (ногиронлар, уй бекалари, болалар уйида тарбияланаётган ва тарбияланиб чиққанлар, ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳарбий хизматчилар, захирадаги ҳарбий хизматчилар ва шу кабиларни) ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган махсус чоратадбирлар, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади¹.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг жамоат уюшмалари ва уларнинг корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг фуқаро сифатидаги ташаббускорлигини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш мақсадларида ёшлар давлат-жамоат ижтимоий хизмати амал қилади.

Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини, халқ хунармандчилиги ва хунармандчилик касб-кори билан шуғулланишини, ёшлар корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради².

Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-хунар таълими олишини кафолатлайди.

¹Ўша жойда. – 10-м.

²Ўша жойда. –13, 18-м.

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни кўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда кўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари:

- васийлик ва ҳомийликни белгилаш;
- болани фарзандликка олиш;
- оилага тарбияга олиш (патронат);
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъий назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантиради¹.

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамлари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 23, 27-моддалари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин¹.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

¹Ўша жойда. – 28, 29-м.

Маҳкумларга ўрта махсус, касб-хунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади¹.

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари:

- муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш;
- болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;
- болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узоқ муддатли учрашув берилиши мумкин.

Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлиғининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония ҳудудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин.

Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумлар:

- хона типдаги турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;
- эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;
- фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;
- чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

¹Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 100, 101, 115-моддалар.

– бола уч ёшга тўлганда.

Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда улар билан бирга бўлишга ҳақли.

Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат этилади¹.

Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади².

б) ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича махсус назариялар ва мазкур масалага оид, ҳуқуқбузарликларни содир этиш зарурияти ва имкониятларини камайтириш ёки бунга сабаб бўладиган шарт-шароитларни чеклашга йўналтирилган

¹Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 130-133-м.

²Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 197-м.

қонунлар, жараёнлар, муассасалар, воситалар ва хизматлар тизимларидан фойдаланишга асосланган алоҳида ёндашувлар¹.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларига:

– бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

– бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиклиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш киради².

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари:

– қонунийлик;

– инсонпарварлик;

– тизимлилик;

– оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш³.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:

прокуратура органларини – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида;

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

²Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

³Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

васийлик ва ҳомийлик органларини – етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида;

ички ишлар органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини – мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади¹.

Ички ишлар идораларининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишлари:

– милиция таянч пунктларини ёшларнинг мазмунли дам олиш жойлари деб ҳисоблаш;

– милиция таянч пунктларининг инфратузилмаларини такомиллаштиришда ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлаш².

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар

¹Ўша жойда. – 6-м.

²Қаранг: Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 80-84.

ҳамда муассасаларнинг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади¹.

Зарурат бўлганда, давлат вояга етмаган ҳуқуқбузар ишини инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий кафолатларига яхлит ва тўлиқ риоя этилиши шарти билан расмий суд жараёнига мурожаат қилмасдан кўриб чиқиши зарур. Муқобил усулларга жамоатчилик ёки бошқа хизматларга жалб этиш киради².

Маҳқумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат.

Маҳқумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва хунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.

Ахлоқан тузатиш воситалари жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек маҳқумнинг шахси ва хулқ-атворини инобатга олган ҳолда қўлланилади³.

в) расмий органларнинг аввало балоғатга етмаган болалар умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳолис ва адолатли ёндашув асосида амалга ошириладиган аралашуви⁴;

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади⁵.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

²Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 40(3)(b) -банди, Пекин қоидалари. – 11-қоида.

³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т: Адолат, 2008. – 7-м.

⁴Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

⁵Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 56-м.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди¹.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз вазифалари доирасидаги ваколатлари:

– бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

– бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

– бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

– бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

– бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

– бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

– давлатга қаршли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш;

– бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш;

– ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини

¹Ўша жойда. – 58-м.

мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

– бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

– бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан болалар ўртасида мулоқот шундай амалга оширилиши лозимки, бунда боланинг ҳуқуқий мақоми ҳурмат қилиниши, унга ҳеч қандай зарар етказилмаслиги ва унинг фаровонлиги учун ғамхўрлик кўрсатилиши зарур².

Вояга етмаганларга қўлланиладиган жараёнлар, шу жумладан суд муҳокамаси ҳам бола ҳуқуқларини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши ҳамда унинг ёшини ва тузалиш (тўғри йўлга кириш)га хоҳишини ҳисобга олиши зарур³.

г) барча ўсмирларнинг фаровонлиги, ривожланиши, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш⁴;

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 5, 6-моддалари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1–2. – 1-м.

²Пекин қоидаларининг 10.3-қоидаси.

³Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14(4)-моддаси, Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидаларининг 1-параграфи.

⁴Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади¹.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

– боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

– боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;

– боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

– боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

– болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

– бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

– бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

– болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

– бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

– болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 41, 42, 45, 56, 58, 64, 65-моддалар.

– болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

– боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

– болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

– болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

– бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш;

– бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

– болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш¹.

д) ўсмирларнинг умумий қоида ва қадриятларга мос келмайдиган қилиқлари ва хулқи аксарият ҳолларда ўсиш ва улғайиш жараёни билан боғлиқ эканини ва қоидага кўра, улғайган сари кўпчилик кишиларнинг хулқ-атвори ўз-ўзидан ўзгариб боришини ҳисобга олиш²;

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурий тарбиявий таъсир чоратадбирларини қўллаб, шу жумладан: етказилган азият ғуборини кўтариш мажбуриятини юклаш, жарима солиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, ахлоқ-тузатиш ишларига юбориш, ҳибсга олиш, озодликдан маҳрум этиш, уларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш фақат суднинг ҳукмига ёки тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат шахсининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва унинг кадр-қиммати ҳурмат қилинишини, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар анча инсонпарвар режимда сақланишини кафолатлайди, озодликдан маҳрум қилиш жойларида уларнинг аҳволини халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши учун шарт-шароит яратади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун содир этган жиноятларининг оғирлик даражаси ва уларнинг ёшини ҳисобга

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

²Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

олиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларида табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади¹.

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавfliни келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 127, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279, 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади. Жиноят кодексининг 86-моддасининг иккинчи, учинчи, тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) оғир жиноят учун – олти йилгача;
- б) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 7-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

а) оғир жиноят учун – етти йилгача;

б) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламаздан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса,

жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий-ҳуқуқий тартибида ундирилади;

в) вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазога алмаштирилиши мумкин¹.

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 14, 16, 85-д, 90-м.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шахар, туман, шахарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим¹.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шахар) комиссиялари вояга етмаган шахслар томонидан ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилганидан бўлак содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. Ушбу Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансабдор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар. Вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ушбу Кодекснинг 47, 188-

¹Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 10, 13, 14-м.

моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқадилар¹.

е) ўсмирга нисбатан «бузғунчи», «ҳуқуқбузар» ёки «бошловчи ҳуқуқбузар» каби таърифларнинг ишлатилиши, экспертлардан аксариятининг фикрича, кўп ҳолларда уларда барқарор равишда ножўя юриш-туриш тарзи ривожланиши учун кўмаклашишининг моҳиятига тушуниб етиш².

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- боланинг камситилишига йўл қўймаслик;
- боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш³.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда *айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги* ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас⁴.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмаё туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас.

Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади⁵.

Болаларнинг ҳиссий, маънавий ва ақлий жиҳатдан камолга етмаганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жинорий жавобгарлик ёши жуда эрта бўлмаслиги керак¹.

¹Ўша жойда. – 247-м.

²Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

³Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.

⁴Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. – 2, 23-м.

⁵Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 4,9-м.

Давлатлар болаларни озодликдан маҳрум қилишнинг энг кичик ёшини кўрсатадиган қонунлар ўрнатиши зарур².

Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияда агарда миллий қонун бўйича вояга етиш эрта вужудга келмаса, 18 ёшдан кичик бўлган ҳар бир инсон бола деб белгиланган³.

Айниқса, ҳали ҳеч қандай муассасалар ташкил этилмаган жойларда балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун жамоа хизматлари ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Расмий ижтимоий назорат муассасаларидан иложсиз ҳоллардагина фойдаланиш керак⁴.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ташкил этилган.

Комиссиянинг жорий ишларни ва комиссия қарорларинининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозимлари жорий этилган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда аҳолининг, *биринчи навбатда касб тайёргарлигига эга бўлмаган ёшларнинг*, аёлларнинг ва суднинг ҳукми билан жазони ўтаган шахсларнинг иш билан таъминланиши даражасини ошириш юзасидан дастурий мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширадилар.

16 ёшга тўлмаган шахсларни вақтинчалик бир марталик ишларга мустақил равишда ёллашга йўл қўйилмайди⁶.

¹Пекин қоидаларининг 4-қоидаси.

²Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидаларининг 11(а)-қоидаси.

³Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддаси.

⁴Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 6-моддаси.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

4. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ

ОИЛА

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар¹.

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар².

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди³.

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдорига доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 63-66 м.

²Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2007. – 21-м.

³Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2007. – 27-м.

Ушбу масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

– никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

– вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши шарт.

Оила кодексининг 61 (Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш) ва 62 (Оталикнинг суд тартибида белгиланиши) - моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда, ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар¹.

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш, ҳимояланиш, ўз фикрини ифода этиш, исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга².

Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди³.

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт⁴.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади.

¹ Ўша жойда. – 44, 64-м.

² Ўша жойда. – 65-69-м.

³ Ўша жойда. – 71-м.

⁴ Ўша жойда. – 73-м.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда, васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт¹.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-она алоҳида яшаганда, болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий

¹ Ўша жойда. – 74-м.

ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади¹.

Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

– ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

– узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

– ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

– муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

– ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин².

Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири)нинг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулкӣ ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ота-она иккаласининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилади³.

Ота-она вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

¹ Ўша жойда. – 75-м.

² Ўша жойда. – 79-м.

³ Ўша жойда. – 83, 84-м.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак¹.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Оила кодексининг 123–128-моддаларида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлса, вояга етмаган, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти суд томонидан уларнинг қариндошлари: бобо, буви, невара, ака-ука, опа-сингил, шунингдек ўғай ота ва ўғай она, ўғай ўғил ва ўғай қиз, доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган ака-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ака-ука ва опа-сингилларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият ака-ука ва опа-сингилларнинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Ўғай ота ва ўғай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўғай ўғил ва ўғай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз

¹ Ўша жойда. – 90-м.

ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўғай ота ва ўғай она зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўғай ўғил ва ўғай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собик эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўғай ота ва ўғай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин¹.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади².

Ота-оналарнинг, уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, болалар муассасалари раҳбарларининг ўз қаровига олган вояга етмаганга нисбатан ўзлари қабул қилган ёзма мажбуриятларни бажармаслиги, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади³.

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади⁴.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

– таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа

¹ Ўша жойда. – 96, 97, 122, 123, 125, 127-м.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 47-м.

³ Ўша жойда. – 207-м.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 122-м.

кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

– вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради¹.

МАҲАЛЛА

(фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари)

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга ёрдамлашади².

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги *ёшлар билан ишлаш комиссияси* Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шунингдек миллий таркибини ҳисобга

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 7-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 12-моддаси.

олган ҳолда улар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий, экологик ишларни олиб бориш мақсадида тузилади.

Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– маҳаллаларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини, маънавий-маърифий билим доирасини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш;

– ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларини, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– маҳаллаларда спортни оммалаштириш учун зарур шароит яратишда бевосита иштирок этиш, бунёд этилган спорт иншоотлари, болалар спорт майдончаларидан самарали фойдаланиш, ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш мақсадида жисмоний тарбия, спортнинг оммавий ва миллий турлари бўйича мусобақа ва турнирлар ўтказиш;

– ёшларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, банд бўлмаган ёшлар қатламларини ижобий меҳнат фаолиятига жалб этиш, Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларида ўқитиб, касб-ҳунарга ўқитишда яқиндан ёрдам кўрсатиш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар, имконияти чекланган ногирон ёшларга қобилиятларига яраша ҳунар ўргатиш, иш билан таъминлашда кўмаклашиш;

– ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик кўринишларининг олдини олиш ва турли носоғлом диний оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар билан яқка тартибда ишлаш, индивидуал суҳбатлар ўтказишда маҳаллада истиқомат қилувчи кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга салоҳиятли инсонлар билан ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш;

– ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида маҳалла ўсмир ёшлари ўртасида танловлар, мусобақалар, она ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига сингдириш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек ҳудудлардаги ҳарбий қисмлар раҳбарияти билан келишилган ҳолда ёшларнинг экскурсияларини ташкил этиш;

– ёшларнинг тиббий маданият ва билимини ошириш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш мақсадида мутахассислар ва шифокорлар

иштирокида турли давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

– хуудда соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ёшларнинг иш, ўқиш, яшаш тарзи ва бошқа ёшлар ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ичкиликбозлик, ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг асосий сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар бериш;

– фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ноқобил ва нотинч оилаларда тарбияланаётган ёшларни ўрганиш, уларнинг ўқишдан орқада қолмасликларига ёрдам бериш мақсадида маҳалладаги фаол ёшларни бириктириб, жамоат ишларига жалб этиш;

– носоғлом муҳит юзага келган ёш оилаларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш чораларини кўриш орқали кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш;

– милиция ҳисобида турган, илгари тартиббузарлик содир этган, оилада ва жамоада мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи ёшлар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этиш ва бу борада маҳалла профилактика нозири, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорлик қилиш ҳамда зарур ҳолларда уларнинг хулқ-атвори, турмуш-тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилиш;

– маҳалладаги кам таъминланган ёш оила фарзандларига хунар ўргатиш, уларни маҳаллада истиқомат қиладиган хунармандларга «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича шогирдликка жалб этиш, касаначилик билан шуғулланиш бўйича имкониятлар яратишга кўмаклашиш;

– миллий қадриятларимизга зид ҳолда одоб-ахлоқ доирасида ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган ёшларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўришда амалий ёрдам кўрсатиш;

– «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси тамойилларини ҳаётга жорий қилишда фуқаролар йиғини кенгашига доимий ёрдам кўрсатиб бориш;

– Маҳалладаги намунали ёшлар, уларнинг иш ва ўқишдаги фаолияти, маҳалланинг ижтимоий ҳаётида фаоллик билан иштирок этишини оммалаштиришга оид масалалар тўғрисида маҳаллий

матбуотда мақолалар билан ва телевидениеда туркум кўрсатувларда иштирок этиш¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизида фаолият олиб борувчи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширадilar:

– фуқароларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳалла ҳудудида қонун устуворлигини ва осойишталикни таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишини, жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, маҳаллада тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни;

– маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституцион қонуний тузимга қарши турли бўҳтонларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик-тарбиявий тушунтириш ишларини;

– ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаганлар билан аниқ мақсадли профилактик тадбирларни².

Бундан ташқари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ушбу соҳада вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган бошқа тадбирларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги ПҚ-486-фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли қарори.

2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига киритилган *диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар* аҳоли, биринчи навбатда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳаллаларда ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадilar. Шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этадилар¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади².

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ушбу соҳада иш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 21. – 251-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини тўғрисида»ги қонунининг 19-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

олиб боровчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш билан шуғулланувчи органлар ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар:

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек ушбу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижобий иш тажрибаларини умумлаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-услугий ёрдам кўрсатади;

– вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни олиб боради;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилади;

– вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича судга муурожаат қилади;

– таълим муассасаларининг вояга етмаганларни мазкур муассасалардан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади;

– вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларга ишга жойлашиш ва турмушини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатади, давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шакллари билан белгилашда кўмаклашади;

– ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам бериш учун зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган фуқароларни уларнинг розилиги билан жалб қилади;

– ўз мажлисларига мансабдор шахслар, мутахассислар ва бошқа шахсларни кўрилаётган масалалар юзасидан ахборот ҳамда тушунтиришлар олиш учун таклиф қилади;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этиш, тарбия-профилактика фаолиятини яхшилаш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдимномалар киритади;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида прокуратура органларига хабарлар юборади;

– давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорларини бажармаган, шунингдек вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этишга доир тақдимномаларида кўрсатилган чораларни кўрмаган ҳолларда, уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

– вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллайди¹.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– вояга етмаганларни тарбиялаш, ўқитиш, таъминлаш шароитлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларида вояга етмаганлар билан муомала қилиш юзасидан назоратни ташкил этиш;

– давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш. Давлат ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шакллари аниқлашда, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширишда кўмаклашиш.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ:

– халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маданият, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси,

¹ Ўша жойда. – 9-м.

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирадilar;

– туманлар (шаҳарлар) ҳудудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадilar;

– давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тадбирларини амалга оширадilar;

– вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширадilar;

– вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган шахсларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқадилар;

– жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг маиший яшаш шароитларини яхшилашга, давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашга ёрдам берадилар.

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ комиссиялар ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар;

– вояга етмаганларга нисбатан таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини кўрадilar ва бошқалар.

Туман (шаҳар) комиссиялари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тарбия колонияларида ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларини, шунингдек ички ишлар органларидаги вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактика бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини текшириш;

– умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасаларда, шунингдек вояга етмаганлар ишлаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини текшириш;

– янги уй-жой мавзелари ва туманларни куриш лойиҳалаштирилганда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари куриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб бориш;

– давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан комиссия иши учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

– комиссия мажлисларида корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг тегишли органлари раҳбарларининг вояга етмаганларни сақлаш ва тарбия шароитларига оид масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш;

– вояга етмаганларни, ота-оналарни шахсан қабул қилиш, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари билан танишиш;

– зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан иш тажрибасига эга бўлган фуқароларнинг уларнинг розилиги билан ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам бериш учун ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашга жалб этиш;

– прокуратура органларига вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари, шунингдек комиссияларнинг тақдимномаларида кўрсатилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишларини бартараф этиш чораларини кўрмаган шахслар тўғрисида хабар юбориш;

– вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб бориш, уларни ўқишга юбориш ва ишга жойлаштириш масалалари юзасидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тегишли органларига тақдимнома киритиш;

– вояга етмаганларни афв этиш тўғрисида илтимос қилиш, уларни жавобгарликдан озод қилиш, уларга анча енгилроқ бўлган жазони қўллаш, уларни шартли равишда ҳукм этиш, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияномалар билан жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига муурожаат қилиш; жазони ижро этувчи орган билан биргаликда вояга етмаганларни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тавсиянома киритиш; ички ишлар органи билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳкумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун

юбориш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш; тарбия колониясининг маъмуриятига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаб туриш шароитларини ўзгартириш ҳақида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш тўғрисида розилик бериш;

– вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб боришнинг, улар касб-ҳунар таълимининг, уларни ишга жойлаштириш ва ўқишга юборишнинг аҳволи тўғрисидаги масалаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритиш;

– давлат тегишли органлари ва бошқа ташкилотларга уларнинг комиссиялар қарорларини бажармаган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритиш.

Туман (шаҳар) комиссияларига болалар томонидан содир этилган қуйидаги қонунга хилоф ишларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган:

– 14 ёшга тўлмасдан туриб жамият учун хавfli хатти-ҳаракатлар содир этган, 13 ёшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирган вояга етмаганлар бундан мустасно;

– 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган даврда улар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, жамият учун хавfli хатти-ҳаракатлар содир этган;

– 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган хатти-ҳаракатлар содир этиб, уларга нисбатан жиноий иш кўзғатиш рад қилинган ёки жиноий иш тўхтатилган;

– 16 ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;

– бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган;

– ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими таълим муассасаларида (умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари) ўқишдан бош тортган;

– жамият учун катта хавfli бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганида терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилинган;

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш юкланади.

Кўрсатилган ҳолларда туман (шаҳар) комиссиялари болаларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари мумкин:

– вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига такдимнома киритиш;

– огоҳлантириб қўйиш;

– 15 ёшга тўлган вояга етмаган зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига такдимнома киритиш;

– 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эға бўлган вояга етмаганга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

– вояга етмаганни ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки нодавлат ноижорат ташкилот кузатувиға топшириш;

– вояга етмаганни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш.

Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида комиссиялар вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари томонидан вояга етмаганлар ўртасида якка тартибда профилактика ўтказилишини таъминлаш учун ички ишлар тегишли ҳудудий органларини хабардор қилишға мажбур¹.

11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган ихтисослаштирилган мактаб-интернатға жойлаштирилиши, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган эса ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежига жойлаштирилиши мумкин.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалға оширади.

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади¹.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари тизимида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизматлари (ВЕЎХП) ташкил этилган.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўлими Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;
- қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;
- вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

базаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада базармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

– вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

– ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

– вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

– вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

– ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади;

– вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғарақлар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган

сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

– вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради;

– етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлими қуйидаги вазифаларни бажаради:

– минтақалардаги ички ишлар идоралари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинма (гуруҳ)ларининг фаолиятини ташкил қилиб, Ҳукумат ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти кўрсатма ва топшириқларининг аниқ ва сифатли амалга оширилишини ташкиллаштириш, керакли амалий-услубий ёрдам кўрсатади ҳамда назоратини таъминлаш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинма (гуруҳ)ларининг фаолиятини ташкил этиш шахсий таркиб орасида қонунчиликни ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг касб маҳоратини, ҳуқуқий билимларини юксалтириш, давлат ва жамоат ташкилотлари орасида обрў-эътиборини кўтариш каби чора-тадбирларни амалга ошириш;

– вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича ички ишлар идораларининг хизматлари, прокуратура, тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

– вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил қилиш ва назоратини амалга ошириш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинма, гуруҳларини услубий қўлланмалар билан таъминлаш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўлими, бўлинмаси, гуруҳи ишларининг самарадорлигини ошириш, лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларида раҳбариятга тавсия ва таклифлар бериш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиб, умумлаштириб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ва келгусида такрорламаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларининг аҳволи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегишли идораларни зарур ахборотлар билан таъминлаш;

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўлими шахсий таркиби ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаб бориш ҳамда хизмат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати йиғилишларига вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилиги билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатлар тайёрлаш;

– вояга етмаганлар масалалари бўйича вазирлик, идора ва халқаро ташкилотларда ўз ваколат доирасида Ички ишлар вазирлиги вакили сифатида иштирок этиш.

Бўлим зиммасига юклатилган вазифаларни бошқа хизмат соҳалари ва ўзига бўйсунувчи бўлинма, гуруҳлар орқали жамоат ташкилотлари кўмагига таянган ҳолда олиб боради.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари, гуруҳлари қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинма, гуруҳи ўз фаолиятини вояга етмаганлар

қаровсизлиги ва назоратсизлиги, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ота-оналик бурчларини бажармасдан, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш борасида ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, давлат идоралари, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг кўмагига таянган ҳолда ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш;

– ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш;

– вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар тўғрисида тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганларнинг ўқиш ва иш жойларига ва уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларнинг иш жойларига хабарномалар юбориб, салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш борасида таклифлар киритиш;

– ички ишлар идораларининг тергов ҳамда тезкор хизматлари билан ҳамкорликда вояга етмаган шахсни жиноят ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни, гуруҳларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш;

– адашган, ташлаб кетилган ва жамоат жойларида тиламчилик қилаётган, темир йўл ва ҳаво транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузган, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган вояга етмаганларнинг шахсини ва яшаш манзилини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, 8 соат ичида, белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда ички ишлар идораларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг узлуксизлиги, умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мажбурийлиги ҳақида вояга етмаганлар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, мажбурий таълимдан бош тортган вояга етмаганларни аниқлаб, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар орқали ўқишга қайтариш чораларини кўриш;

– барча турдаги таълим муассасаларига ўқувчи, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

– ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги тўғрисида ахборот бериш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, бартараф қилиш юзасидан керакли таклифларни киритиш;

– вояга етмаганлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишда эътиборсизликка йўл қўйган, белгиланган мажбуриятларини бажармаётган, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка шарт-шароитлар яратиб берган мансабдор шахсларни аниқлаш ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилиш;

– профилактика ҳисобида турган вояга етмаганларга ўқиш ва иш жойларидан устоз-мураббий ҳамда маҳалладан жамоатчи тарбиячи бириктириш ҳақида таклиф киритиш;

– ички ишлар идораларининг профилактика ҳисобида турган барча тоифадаги шахслар вояга етмаган фарзандларининг яшаш тарзи ва хулқ-атворини ўрганиб бориш;

– вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда қаровсизликнинг олдини олиш мақсадида тарбиявий ва ҳуқуқий мавзуларда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

Транспорт ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари, гуруҳлари юқоридаги вазифалардан ташқари қўшимча қўйидагиларни амалга оширадилар:

а) барча турдаги транспорт иншоотларининг ҳаёт учун хавfli бўлган ҳудудларида:

– темир йўл транспортида темир йўл бекатлари, бекатлар ҳудудида жойлашган бинолар, иншоотлар, корхона ва ташкилотлар, темир йўл транспорти тўхташ пунктлари, поездлар, локомотивлар, вагонлар, цистерналар, юк саройлари, контейнер майдонлари, локомотив ва вагон деполари, темир йўл бекатлари оралиғидаги темир йўлларда;

– ҳаво транспортида – аэропортларнинг эстакадалари ва кутиш залларида; қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ота-

оналарига ёки қонуний вакилларига қайтариш ёхуд «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари»га жойлаштириш чораларини кўриб, бу ҳақда вояга етмаганларнинг яшаш жойларидаги ички ишлар идораларига хабар бериш;

б) темир йўл ва ҳаво транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш сабабларини таҳлил қилиб, улар асосида тегишли давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларига тақдимномалар киритиш;

в) темир йўл транспорти иншоотлари атрофига яқин масофада жойлашган аҳоли яшаш пунктларида хизмат олиб бораётган ички ишлар идораларининг ВЕЎҚП бўлинмаси (гуруҳи) ходимлари билан доимий ҳамкорлик қилиш;

г) тадбирлар зарурият бўлганда транспорт ички ишлар идоралари ва тегишли шаҳар-туман ИИБ раҳбарлари тасдиқлаган қўшма режалар асосида амалга оширилади, вояга етмаганларнинг транспорт воситаларида назоратсиз юришларига, темир йўлларнинг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш, темир йўлдан от арава ва чорва молларини ҳайдаб ўтиш, чорва молларини темир йўл яқинида боқиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида темир йўл ва ҳаво транспорти хизматчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

д) темир йўл ўтиш жойи, ҳудудлар ва ҳаво транспорти иншоотлари атрофида жойлашган маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишларини амалга ошириш;

е) темир йўл ўтган ҳудудлар ва ҳаво транспорти иншоотлари атрофида жойлашган милиция таянч пункти профилактика инспекторлари ҳамда ВЕЎҚП инспекторлари билан ҳамкорлик қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ва Транспорт ИИБ бошлиқлари ҳамда уларнинг жойлардаги тизимлари бошлиқлари ВЕЎҚПБ (гуруҳ) хизмати фаолиятини амалга оширишда ички ишлар идоралари барча хизматларининг фаол иштирокини таъминлайди.

ВЕЎҚПБ (гуруҳ) хизмати фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлими ва унинг жойлардаги тизимлари хизмат

фаолиятида қонунларнинг бажарилиши прокуратура идоралари томонидан назорат қилинади.

Эслатма. Тошкент шаҳрида маъмурий ҳудудларда хизмат қилувчи вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинма инспекторлари йўқлиги сабабли уларга юклатилган барча вазифаларни жойлардаги милиция таянч пункти профилактика инспекторлари амалга оширади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлими (бўлинма, гуруҳ) ходимлари вояга етмаганлар қаровсизлиги, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини ташкил қилиш бўйича ички ишлар идораларининг масъул вакили ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан иборат:

а) ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш мақсадида вояга етмаганларни, уларнинг ота-оналарини ёки ўрнини босувчи шахсларни, шунингдек бошқа шахсларни хизмат хонасига чақиртириш;

б) қуйидаги тоифадаги шахсларни ИИБ раҳбарияти томонидан жамиятга зид хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида расмий огоҳлантирилишини ташкил қилади:

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларни;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган вояга етмаганларни;

– диний-экстремистик оқимларга кирган ва бундай оқимларга мойил бўлган вояга етмаганларни;

– вояга етмаган фарзандлари олдидаги бурчини бажармаётган, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни;

в) қуйидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш:

– вояга етмаганларни маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳужжатларни;

– ижтимоий ёрдамга муҳтож вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳужжатларни;

– вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган ота-оналар ва бошқа шахсларга боғлиқ ҳужжатларни.

Эслатма. ВЕЎХПГ инспекторларига жиноят билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш таққиланади.

г) хизмат хонасига келтирилган вояга етмаганларни зарурат бўлганда холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказиш;

д) вояга етмаганларни «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»га жойлаштириш;

е) ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган, шунингдек ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиш ёки жамоат ахлоқий қоидаларини қасддан ва мунтазам равишда бузишга мойил бўлган вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига суд қарори ёки ажрими асосида юбориш чораларини кўриш;

ж) вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ масалалар бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритиш;

з) фарзандларини тарбиялаш борасида ота-оналик бурчини бажармаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини чеклаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ва тегишли органларга тақдим этиш;

и) васийлик ва ҳомийлик органларига қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни ижтимоий муҳофазага олишда кўмаклашиш;

к) вояга етмаганлар ўртасида ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги хизматларига кўмаклашиш;

л) соғлиқни сақлаш муассасаларига келишдан бош тортган, мажбурий даволанишга муҳтож вояга етмаганларни тиббий кўриқдан ўтказишга олиб келишга ёрдамлашиш;

м) маҳалла, таълим муассасалари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда ҳуқуқбузар вояга етмаганлар ва фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хулқ-атворини муҳокама этишда қатнашиш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати билан ҳамкорлик қилиш жараёнида патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва қаровсизликнинг олдини олиш борасида қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

а) жамоат жойларида вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради;

б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида зудлик билан ҳудудий ВЕЎХПБ (гуруҳи) инспекторига хабар беради;

в) кўнгил очар масканларда, жамоат жойларида вояга етмаганлар томонидан спиртли ичимлик ичилишини, спиртли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилинишининг олдини олади;

г) аниқланган адашган, ташлаб кетилган ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни ВЕЎХПБ (гуруҳ) хизмат хоналарига келтиради;

д) содир қилинаётган ҳуқуқбузарликларга яратилаётган омиллар юзасидан ВЕЎХПБ (гуруҳ)ларга маълумот беради;

е) вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ортган ҳудудларда ВЕЎХПБ (гуруҳи) инспектори билан ҳамкорликда рейдлар ўтказди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати ёнғин хавфсизлиги хизмати билан қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) вояга етмаганлар томонидан ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш чора тадбирларини кўриш;

б) барча турдаги таълим муассасаларида, дам олиш оромгоҳлари ва маҳаллаларда вояга етмаганлар томонидан ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб бориш;

в) маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилган ҳолати бўйича вояга етмаганларга нисбатан тўпланган ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юбориш;

г) вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳалла ҳудудида қонун устуворлигини ва осойишталикни таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишини, маҳаллада тартиб ўрнатиш билан бирга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

д) ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаганлар ва олов билан ўйнаб, ёнғин содир бўлишига айбдор бўлган вояга етмаганлар орасида аниқ мақсадли профилактик тадбирлар ҳамда тушунтириш ишларини олиб бориш;

е) ВЕЎХПБ хизмат хоналарида фавқулодда ҳодиса ёки ёнғин содир бўлганда вояга етмаганларни ва моддий бойликларни қутқариш режа чизмасини ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидалари асосида йўриқномалар тайёрлаш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) вояга етмаганлар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш чоратадбирларини амалга ошириш;

б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш;

в) ўзбошимчалик билан яшаш жойларидан кетган, адашиб қолган, бедарак йўқолган ва қидирувда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш;

г) йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузган вояга етмаганларга нисбатан тегишли чоралар кўриш;

д) таълим муассасаларида, маҳаллаларда, дам олиш оромгоҳларида вояга етмаганлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

е) 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар томонидан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдимномалар киритиш;

ж) ҳудудда ўтказилаётган «Яшил чироқ» ва ёш автомобил назоратчиларининг мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик хизмати билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) маҳаллалар ва таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида паспорт тизими қоидалари бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш;

б) маҳаллаларда, ётоқхоналарда паспорт тизими қоидаларига риоя қилмасдан паспортсиз яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва белгиланган тартибда паспорт билан таъминлаш чораларини кўриш;

в) фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш;

г) турли сабаблар билан хорижий давлатларга кетган фуқароларнинг қаровсиз қолган вояга етмаган фарзандлари тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш;

д) жазони ижро этиш ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган 16 ёшга тўлган вояга етмаганларга фуқаролик паспорти олишда яқиндан ёрдам бериш;

е) чегара зонасига кириш ёки бу зонада яшаш қоидаларини бузган вояга етмаганларга нисбатан биргаликда қонуний чора кўриш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) жиноят содир этишга мойил вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан профилактик-тарбиявий ишларни олиб бориш;

б) вояга етмаганларни жиноятга жалб қилувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш;

в) вояга етмаганларни диний-экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш чораларини кўриш;

г) вояга етмаганларни ёллаш, улардан ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этишда, шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланаётган шахсларни аниқлаб, тегишли чораларни кўриш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати тергов хизмати билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаган тақдирда, жумладан тергов жараёнида аниқланган бу тоифа айбланувчилар тўғрисида ахборот алмашиш;

б) дастлабки тергов даврида вояга етмаганларни жиноятга ва жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахслар аниқланган тақдирда, уларга нисбатан қонунда кўрсатилган чораларни кўриш учун ваколатли органларга тақдимномалар киритиш;

в) дастлабки тергов жараёнида вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган тақдирда, уни кузатув остига олиш.

Профилактика (катта) инспектори

Профилактика (катта) инспекторининг аҳоли, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги обрўси унинг фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан бири деб қаралиши лозим.

Профилактика (катта) инспектори вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги чоратадбирларни амалга оширади:

– хизмат ҳудудида жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларида ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда иш ташкил этади;

– адашган, ўзбошимчалик билан уйдан, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан кетиб қолган ёки қаровсиз қолган вояга етмаганларни «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказ»ларига юборилишини ташкиллаштиради;

– хизмат ҳудудида экстремистик диний оқим тарафдорларини, айниқса, ушбу экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган ёшларни аниқлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, олий, ўрта-махсус ўқув юртлари ва мактаблар маъмурияти билан мунтазам равишда фикр алмашади ва тезкор ходимларга бу борада амалий ёрдам кўрсатади;

– «хавфли гуруҳ»га кирувчи шахсларнинг вояга етмаган ёшларни фоҳишалик ва бесоқолбозлик билан шуғулланишга жалб этиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг олдини олади;

– вояга етмаганларни ичкиликбозликка жалб қилувчиларни, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи ўсмирларни аниқлайди ҳамда ҳуқуқбузарликка барҳам бериш ва уларни бундай йўлдан қайтариш бўйича зарур чораларни кўради;

– мутахассис шифокорнинг ёзма хулосасига асосланиб, тиббий муассасаларнинг рухсатисиз вояга етмаган ёшлар гиёҳванд ва психотроп моддалар истеъмол қилган ҳолларда уларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўради.

Профилактика (катта) инспектори вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ҳамда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан ишлашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

– ички ишлар идораларининг бошқа тармоқ хизматлари ходимлари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссияларининг аъзолари, тарбиячи

педагоглар билан ҳамкорликда, давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг мадади ва кўмагига таяниб, вояга етмаганлар қаровсизлигининг ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини амалга оширади;

– маҳаллий давлат идораларига, ташкилотларга, вояга етмаганлар ишлайдиган ёки ўқийдиган жойлардаги маъмуриятга ҳамда ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иш жойларига вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисида ахборот ва хабарномалар беради. Уларнинг содир бўлишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни тезликда бартараф қилиш бўйича таклифлар киритадилар ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

– тергов бўлимлари, тезкор хизматлар билан ҳамкорликда вояга етмаганларни жиноятга ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонунга мувофиқ чора кўради.

– вояга етмаганлар томонидан содир этилган қилмишлар бўйича жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги ҳар бир қарор юзасидан терговчилар вояга етмаганларнинг яшаш жойларидаги ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига 3 кун ичида ёзма равишда хабар бериши шарт.

Профилактика инспектори вояга етмаганларни «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказ»ларига юбориш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ҳамда фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиган ёки ўзларининг жамиятга зид хулқ-атвори билан уларга салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналар ички ишлар идоралари тергов хизматининг, суд, прокуратура идораларининг, ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссияларининг маълумотлари асосида профилактик ҳисобга олинадилар. Улар билан амалдаги қонунларда белгиланган тартибда профилактика ишлари олиб борилади.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қаровсиз ва назоратсиз қолганлиги оқибатида ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга зудлик билан амалий ёрдам кўрсатиш давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шу мақсадда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги қарори ижроси доирасида ички ишлар органлари тизимида Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилди¹.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

– уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

– олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

– вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади².

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қуйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

– назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

– ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

– ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки

¹Қаранг: Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // *Хуқуқ–Право–Law*. – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 80-84.

²Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 12-моддаси // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

– маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

– ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

– суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Юқорида кўрсатилган тоифадаги вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қуйидагилар кирмайди:

– ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

– вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оилага қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;

– суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти¹.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тартиби

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни талаб қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи вояга етмаган ички ишлар органларининг бўлинмаларига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган топилган жойдаги ёхуд ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан юборилади².

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органи уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида яқка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга

¹Ўша жойда. – 12-м.

²Ўша жойда. – 25-м.

етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида;
- илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол ички ишлар органига ижро этиш учун, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади ва қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

– судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида;

– судьянинг ажримини ўзгартириш тўғрисида;

– судьянинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақида;

– судьянинг илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиш ҳақида¹.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тартиби. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома ва ушбу муддатни узайтириш заруратини тасдиқловчи материаллар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур марказ жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлашнинг муддати тугашидан камида уч кун олдин юборилади².

Патруль-пост хизмати

Патруль-пост нарядлари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва болалар қаровсизлигининг олдини олиш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

– кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши ҳамда жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш;

– қонунбузарликларга йўл қўяётган ўсмирлар гуруҳларини, улар йиғиладиган жойларни аниқлаш ва бу ҳақда навбатчи ҳамда профилактика инспекторига хабар бериш;

¹Ўша жойда. – 26-м.

²Ўша жойда. – 27-м.

– қонунда белгиланган ёшга етмаган шахсларга спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

– вояга етмаганларни жиноий фаолиятга, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тиламчилик, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари каби хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлаш ҳамда улар ҳақида навбатчига, имкониятга қараб Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш хизмати ходимиغا, профилактика инспекторига хабар бериш;

– қаровсиз қолдирилган, йўқолиб қолган, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган болалар ҳамда ўсмирларни она-оналари ёки уларнинг ўрнидаги кишилар олдига, зарур ҳолларда эса ички ишлар идорасининг навбатчилиқ қисмига олиб келиш.

Патруль-пост нарядлари жамоат тартиби ва йўл ҳаракати қоидалари бузилган ҳолларда қонунларда кўзда тутилган тартибда чоралар кўриш, бунда судьялар, шунингдек суд маслаҳатчилари ўз вазифаларини бажараётганда, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимлари, жиноий жавобгарликка тортиладиган шахслар, 16 ёшга тўлмаган ёшлар, дипломатик иммунитетдан фойдаланувчи чет эл фуқаролари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳақида билдирги орқали ички ишлар идораси навбатчиси ёки бошлиғига ахборот беришлари лозим.

Хизмат итини вояга етмаганларга ва аёлларга (қачонки улар томонидан қуролли ҳужум бўлмаса), ёнида ёш болалари бўлган кишиларга нисбатан қўйиб юбориш тақиқланади.

Қуролли ҳужум қилиш ва қуролли қаршилиқ кўрсатиш ёки гуруҳ бўлиб фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган ҳужумни қайтаришдаги ҳолатлардан бошқа ҳолларда ёш болаларга нисбатан ўқ отар қуроли ҳамда махсус воситаларни қўллаш тақиқланади.

Тергов хизмати

Тергов хизматларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан профилактика ишларини кучайтириш, жамоаларда, фуқароларнинг яшаш жойларида, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида амалдаги қонунлар ҳақида тушунтиришлар ва тарғибот ишларини олиб боришдан иборат.

ПРОКУРАТУРА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг, жумладан уларнинг болалар ҳуқуқларини таъминлайдиганларининг аниқ ва бир

хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Прокурор вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан кириш, вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилиш ваколатига эга¹.

Вояга етмаганнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурор зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилиниши лозим. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги суд мажлисида прокурор иштирок этиши шарт.

Қонунда белгиланган вояга етмаганлар бўйича ҳолатлар қайд этилган прокурорнинг қарори ушбу вояга етмаганга нисбатан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун асос бўлади.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.²

ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ

Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганларда қонунга иттиқдорлик ҳулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга

¹Ўзбекистон Республиканинг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 31-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 2001. – № 9–10.

²Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 12, 21, 26-моддалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

– таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

– вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-хунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлиғининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;

– ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шакллари белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

– яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

– таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлайди, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

– ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради;

– таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғараклар, клублар ташкил қилади ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этади;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;

– вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини

сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўради.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қилади;

– кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қилади;

– мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

– якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади¹.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин².

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

²Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида»ги низом.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари киради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

– ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

– айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

– яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун суд ажрими асос бўлади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришга тўсқинлик қиладиган касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг касб-хунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;

– вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар ҳудудини кўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушбу муассасалар ҳудудига бегона

шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган махсус шарт-шароитларини таъминлайди;

– вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қилади ҳамда ички ишлар органлари билан биргаликда уларни топиш ва мазкур муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни кўради;

– вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганларнинг ушбу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари мазкур муассасалар жойлашган ердаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга қуйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:

– вояга етмаганларни бошқа ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўтказиш;

– вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда бўлишини суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин, агар улар хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиғи ҳолатига кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш;

– вояга етмаганларни ўқитишни тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушбу муассасаларда бўлиш муддатини узайтириш.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганга нисбатан келиб тушган унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини ёхуд ўзига нисбатан яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилган вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уни тиббий текширувдан ўтказди.

Тиббий текширув вақтида вояга етмаганда унинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиладиган касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги материаллар тайёрланаётган вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суднинг чақирувига биноан келишини таъминлаши шарт. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш. Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига

жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қуйидаги ҳужжатларни юборади:

– вояга етмаганнинг ўқиш (иш) жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

– вояга етмаганнинг оилавий-маиший турмуш шароитларини текшириш далолатномаси;

– ички ишлар органининг вояга етмаган томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳамда шу сабабли кўрилган таъсир чоралари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотномаси;

– соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаганнинг соғлиғи ҳолати ҳамда уни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия кўрсатилган ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани олинган ҳужжатларни, шунингдек жиноят ишини кўзғатиш рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктирмай судга юборади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда ички ишлар органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш

зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

– илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини кўрсатган ҳолда жойлаштириш тўғрисида;

– вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирамай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол мазкур ажримни ижро этишни таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади ва қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

– судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида;

– судьянинг ажримини ўзгартириш тўғрисида;

– судьянинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақида;

– судьянинг илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиш ҳақида.

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш. Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижросини қуйидагилар таъминлайди:

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия – вояга етмаганга нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллашга тааллуқли қисмини;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази – вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига олиб боришга тааллуқли қисмини;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси – вояга етмаганни мазкур муассасада сақлаш муддати мобайнида унинг тузалиши ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилинишини таъминлашга тааллуқли қисмини¹.

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 28-31-моддалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:

– етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шакллари танилади, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чора-тадбирларни кўради;

– ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилади, бундан вояга етмаганнинг белгиланган тартибда тўла ҳажмда муомала лаёқатини олиши ҳоллари мустасно;

– яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

– ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;

– ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок этади¹.

Васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин².

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг

¹Ўша жойда. – 15-м.

²Кўшимча маълумот учун қarang: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низом.

ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

– вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва захарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-атворидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

– вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни хабардор қилади;

– уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришлашни амалга оширади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

– алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

– ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсонли бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдамини кўрсатади;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хулосалар тайёрлайди;

– спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этади;

– жинсий йўл билан юктириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этади¹.

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 16-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ўз ваколатлари доирасида:

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда белгиланган тартибда иштирок этади;

– яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишнинг замонавий услуб ҳамда технологияларидан фойдаланади;

– вояга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда очилган тўгараклар ёки клубларда ижодий қобилиятини ривожлантиришни ташкил этишда иштирок этади;

– ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради;

– вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади¹.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИ, ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида:

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

– фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат

¹Ўша жойда. – 17-м.

бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади;

– вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда иштирок этади;

– вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

¹Ўша жойда. – 18-м.

II. БОЛА ҒАЙРИИЖТИМОЙ, ҚОНУНГА ХИЛОФ ХАТТИ-ХАРАКАТ, ХУСУСАН, ХУҚУҚБУЗАРЛИК ЁКИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНДА УНИНГ ОТА-ОНАСИ, ОТА-ОНА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

- назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;
- ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;
- таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;
- амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо қўллагандан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;
- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар;
- жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;
- мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;

– жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;

– ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар;

– шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;

– руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

Юқорида назарда тутилган ҳолатлар, агар қуйидаги ҳужжатларда қайд этилган бўлса, якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун асос бўлади:

– вояга етмаганнинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризасида;

– суднинг ҳукми ёки ажримда;

– вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларда;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириш натижалари бўйича тасдиқлаган хулосада.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган

сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилингунига ёки вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлгунига ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар юзага келгунига қадар олиб борилади.

Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш. Ички ишлар органлари ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оилавий тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Ушбу ҳолатлар вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, бошқа шахслар билан профилактика суҳбатлари ўтказиш, вояга етмаганни унинг яшаш, ўқиш (иш) жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш давомида аниқланади.

Ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

– вояга етмаганнинг турмуш тарзи, алоқалари ва нияти аниқланади;

– вояга етмаганга ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатлари тушунтирилади;

– вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

– вояга етмаганни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этаётган шахслар аниқланади ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

– вояга етмаганга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

– оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилади;

– ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтирилади;

– оилани яшаш жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан суҳбатлар ўтказиш орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти аниқланади;

– уларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади;

– вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.

Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар билан таъминланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

– ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни вояга етмаганлар мазкур муассасаларга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;

– одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

– чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посылкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

– белгиланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмларини олиш¹.

Вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда унинг қай даражадаги ёки кўринишдаги ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда эканлигига қараб ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ушбу вояга етмаганнинг якка тартибдаги профилактикаси билан шуғулланувчи субъектлардан мавжуд ҳолатни инобатга олиб ўзига хос равишда иш олиб боришни, болага таъсир кўрсатишни талаб этади. Хусусан:

1. БОЛА ВАҚТНИ БЕҲУДА ВА МАЗМУНСИЗ ЎТКАЗАЁТГАНДА:

1.1. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида:

– болани доимий назоратда тутиб, ўқиш ва ишдан бўш вақтларида қандай машғулотлар билан машғул бўлиши, бу вақтларни кимлар билан ўтказишини билиб боради;

– биринчи навбатда ўзи ёки зарур деб ҳисобланса, педагог ёки мутахассис психолог ёрдамида боланинг қизиқиши, қобилияти ва истеъдодини аниқлайди;

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 20-24-моддалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – № 39. – 341-м.

– қизиқиши, қобилияти ва истеъдодига қараб, болани мактабдаги, мактабдан ташқари маданият муассасаларидаги ва милиция таянч пунктлари негизида ташкил этилган турли хил тўгараклар, спорт машғулотлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес шоҳобчаларига касб ўрганишга жалб қилади;

– ёзги таътил вақтида болани лагер ва оромгоҳларга юбориш орқали уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан банд бўлишини таъминлайди.

Бола вақтни беҳуда ва мазмунсиз ўтказишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) болада ўқиш, меҳнат, касб, умуман олганда, ижтимоий фойдали бирор нарсага қизиқишнинг йўқлиги;

б) ота-онанинг болани назоратсиз, қаровсиз қолдириши;

в) ота-онанинг болага бефарқлиги натижасида унинг кун тартибини қизиқарли ташкил қилмаслиги;

г) ота-онанинг ҳаддан ташқари меҳнат фаолияти билан бандлиги, уларнинг бола тарбиясига вақт ажрата олмаслиги;

д) ота-онанинг болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида керагидан ортиқ ишониши;

е) оила ва мактабда боланинг ижтимоий фойдали машғулотларга, жумладан тўгаракларга жалб қилинмаслиги;

ж) ўқитувчиларнинг ўқувчиларга уй вазифаларини бермаслиги ва берилган уй вазифаларининг бажарилганлигини назорат қилмаслиги ва бошқ.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола бўш вақтини беҳуда ва мазмунсиз ўтказишда давом этса ёки ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг кўрсатилган чора-тадбирларни яқка ўзлари амалга ошириш имкониятига эга бўлмаса, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси ва мактаб маъмуриятига ёрдам беришни сўраб мурожаат қилинади.

1.2. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, мактаб маъмурияти билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, педагог ёки мутахассис психолог иштирокида боланинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди ва эҳтиёжи, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари ҳисобга олинган ҳолда, у билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– қизиқиши, қобилияти ва истеъдодига қараб, болани мактабдаги, мактабдан ташқари маданият муассасаларидаги ва милиция таянч пунктлари негизида ташкил этилган турли тўғараклар, спорт машғулотлари, кичик ва ўрта бизнес шохобчалари, ёзги таътил вақтида лагерь ва оромгоҳларга жойлаштириш чоралари кўрилади;

– боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– меҳнат қилиш ёшига етган бола унинг соғлиғига зарар қилмайдиган, қонун талабларига жавоб берадиган иш билан таъминланади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқдир.

Эслатма. Ишсизлик, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмасликнинг энг салбий оқибатларидан бири – жиноятчилик, шу жумладан уюшган жиноятчилик билан боғлиқлиги, яъни уни «озиклантириши» ва ўстиришидир. Бошимизга тушаётган кўпгина муаммолар, бало-қазолар, авваламбор, энди вояга етаётган ёшларимиз, фарзандларимиз тақдирини оладиган бўлсак, ўзи кўпинча ишсизликдан бошланади¹.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола бўш вақтини беҳуда ва мазмунсиз ўтказишда давом этса ва бу ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошласа, ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) мурожаат қилиши шарт.

¹Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – 262 б.

1.3. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) бўш вақтини беҳуда ва мазмунсиз ўтказайтган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукаммал аниқланганлиги ва улар у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– бола билан ўтказилган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлайди;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг бўш вақтини беҳуда ва мазмунсиз ўтказишига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор шахсларни аниқлайди ва уларга нисбатан белгиланган чораларни кўради.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда ушбу қўлланманинг 1.2.-бандида кўрсатилган, шунингдек қуйидаги чораларни кўради:

– вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, борасида аҳоли турар жойлари, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида, қолаверса оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;

– маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар билан келишган ҳолда, шунингдек меҳнат биржалари ёрдамида меҳнат қилиш ёшига етган болани унинг соғлиғига зарар қилмайдиган, қонун талабларига жавоб берадиган иш билан таъминлашда кўмаклашади;

– вояга етмаганларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Ишсизликнинг жиноятчиликка таъсирини ўрганган криминолог олимларнинг фикрича, ишсизликнинг 10 %га кўпайиши жиноятчиликнинг 3,4–6,5 % ўсишига олиб келади¹.

Эслатма. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторлари ва профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин².

2. БОЛА СУРУНКАЛИ РАВИШДА МАКТАБГА БОРИШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНДА

2.1. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади. Бунда, аввало, унинг хатти-ҳаракатидаги янги психологик, биологик, физиологик ўзгаришларни ўрганиш керак;

– боланинг оиладаги яшаш ва ўқиш шарт-шароитини, ижтимоий-руҳий муҳитни, оила аъзоларининг бир-бирига муносабатини

¹Қаранг: *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005. – 80 б.

²Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

ўрганилади, муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича керакли маслаҳатлар берилади ёки амалий ёрдам кўрсатилади;

– дам олиш жойларида, компанияларда юрган вақтларида, жамоат жойларидаги унинг хатти-ҳаракати кузатилади, унга нисбатан тенгдошларининг муносабати ўрганилади;

– боланинг мактабдаги ўқиши ўрганилади. Негаки, ўқитувчининг ўқувчидан ҳар сафар дарсни сўрайвериши, фанга қизикмаган боланинг мактабдан бешишига олиб келиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчини ўқишга мажбурлаши эмас, балки унга ўқишнинг, айниқса яхши ўқишнинг аҳамиятини тушунтириб бера олиш керак;

– боланинг эҳтиёжини, қизиқишини ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади¹.

Оилада ўз фикрига эга бўлмагани, доимо ота-она фикрини кутиши ҳам боланинг эркини чегаралаб қўйишдан далолатдир.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқдир.

Эслатма. Бола билан ишлаётган барча субъектларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши, бир-бири билан ўз вақтида ахборот алмашиб туриши, унга нисбатан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик суҳбат, у жалб этилаётган мактабдан ташқари машғулотлар, тадбирлар қанчалик натижа бераётганлигини биргаликда муҳокама қилиб бориш боладаги сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашни бартараф этишнинг гаровидир.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2003.– 56-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори; Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунининг 1, 3-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.–Т.,1991.–№ 4.–76-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори.

Боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) боланинг хатти-ҳаракатидаги янги психологик, биологик, физиологик ўзгаришларнинг юзага келиши (ўзига ишончсизлик, ўзига ўзи паст баҳо бериш, билим орттириш фаолиятининг пастлиги);

б) дам олиш жойларида, компанияларда болага унинг тенгдошлари томонидан таъсир кўрсатилиши, бунинг натижасида боланинг мактабга бормасдан компьютер ўйини клубларига, интернет кафеларга ва бошқа жойларга бориши;

в) мактабда ўқитувчининг болани фанга қизиқтира олмаслиги, устига-устак ундан ҳар сафар дарсни сўрайвериши, бунинг натижасида боланинг ўқишдан бежиши;

г) ўқитувчининг болани ўқишга мажбурлаши, унга ўқишнинг, айниқса яхши ўқишнинг аҳамиятини тушунтириб бера олмаслиги;

д) мактабда дарсларга ўқитувчилардан бирининг ўрнига иккинчиси кириш орқали болаларни дарсдан совитиши;

е) ота-она ўз мажбуриятларини бажармаслиги, оилада фарзанд тақдирига бефарқлиги, ўқишлари билан қизиқмаслиги, ота-онанинг боладаги психологик хусусиятларини билмаслиги, ота-онанинг педагогик таълими етарли даражада эмаслиги;

ж) оиладаги мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар, яъни ота-она ва фарзандларнинг мактабга боришига хоҳиши бор, лекин болани мактабга юбориш учун кийим-кечак, ўқув қуроллари йўқлиги ёки эскилиги натижасида боланинг мактабга боришдан уялиши ва бошқ.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашни давом эттирса, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) мурожаат қилиши шарт¹.

2.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлаётган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2003.– 41-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3, 7, 9, 12-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 1997. – № 9. – 225-м.

билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф мураббийси ёки бошқа педагоглар билан бамаънаво ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– бола билан ўтказилган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлайди;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда муурожаат қилади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор шахсларни аниқлайди ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори)юқоридаги тадбирларни амалга оширишда:

– вояга етмаганларни, уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларни, шунингдек бошқа шахсларни хизмат хонасига чақиртиради;

– вояга етмаган фарзандлари олдидаги бурчини бажармаётган, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ИИБ раҳбарияти томонидан жамиятга зид хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида расмий огоҳлантирилишини ташкил қилади;

– ижтимоий ёрдамга муҳтож вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқади;

- хизмат хонасига келтирилган вояга етмаганларни зарурат бўлганда холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказади;
- вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига суд қарори ёки ажрими асосида юбориш чораларини кўради;
- вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ масалалар бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритади;
- фарзандларини тарбиялаш борасида ота-оналик бурчини бажармаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини чеклаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ва тегишли органларга тақдим этади;
- васийлик ва ҳомийлик органларига қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни ижтимоий муҳофазага олишда кўмаклашади;
- соғлиқни сақлаш муассасаларига келишдан бош тортган, мажбурий даволанишга муҳтож вояга етмаганларни тиббий кўриқдан ўтказишга олиб келишга ёрдамлашади;
- маҳалла, ўқув муассасалари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда ҳуқуқбузар вояга етмаганлар ва фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хулқ-атворини муҳокама этишда қатнашади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторларига жиноят билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш таққланади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Эслатма. Бола билан ишлашга ўз ишининг ҳақиқий мутахассиси ва фидойиси бўлган кишиларни жалб этиш, уларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан ва боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, танлаган усулларни қўллаган ҳолда бажариши, керакли ахборотдан ўз вақтида фойдаланиши, унга нисбатан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик суҳбат, у жалб этилаётган мактабдан ташқари машғулотлар, тадбирлар қанчалик натижа бераётганлигини мунтазам мониторинг қилиб бориш боладаги сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашни бартараф этишнинг гаровидир.

Агарда юқоридаги кўрсатилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашни давом эттирса, туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) боланинг бу салбий қилмиши ва унинг олдини олиш жараёнида тўпланган барча материалларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга кўриб чиқиш учун тақдим этади¹.

2.3. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлаётган боланинг ишини кўриб чиқишда:

– боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашининг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун масъул бўлган шахсларнинг иштирок этишини талаб қилади;

– боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашининг сабабларини аниқлаш мақсадида ота-она, мактаб маъмурияти, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи, мутахассис, туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторининг олиб борган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитади;

– муҳокамада иштирок этаётган жамоат тузилмалари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқади, зарур бўлганда иштирокчилардан қўшимча маълумотлар талаб қилади;

– боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашининг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун масъул бўлган, лекин ўз вазифасини бажармаган ёки ушбу фаолиятни амалга оширишда хато ва камчиликларга йўл қўйган шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқади;

– боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашининг сабабларини аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора тадбирларни белгилайди ҳамда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) болани ички ишлар органларига профилактик ҳисобга олиш, умумтаълим мактабига жойлаштириш ва унга тажрибали мутахассис устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи тайинлаш;

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

б) болани ички ишлар органларига профилактик ҳисобга олиш ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Болани ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юбориш тўғрисидаги ишлар албатта прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Қарор ижроси таъминланиши учун туман (шаҳар) халқ таълими органларига юборилади.

3. БОЛА ЧЕКИШНИ БОШЛАСА

3.1. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, у билан тиббиёт ходими иштирокида яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– боланинг тамаки маҳсулотларини дастлаб қачон, ким билан бирга чекишни бошлаганини, унинг атрофдаги тенгдошларининг чекишга бўлган муносабати, тамаки маҳсулотини харид қилиш учун маблағни қаердан олаётганлиги, уни чекишга ундовчи шахс (гуруҳ)ни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини зарарсизлантириш чораларини амалга оширадилар, зарур ҳолларда туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига мурожаат қиладилар;

– боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади.

Бола чекишининг олдини олишда бирданига қатъий равишда тақиқ ўрнатиш камдан-кам ҳолларда самара беради. Бунда, аввало, кўرғазмали воситалардан фойдаланиб, болага чекишининг зарари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Эслатма. Ўтказилган тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар давомида ота-она ёки унинг ўрнини босувчилар, шунингдек мактаб маъмурияти томонидан болага тамаки маҳсулотларини чекишнинг инсон организми учун зарари, унинг мудҳиш оқибатларини мутахассис шифокор ёрдамида тушунтириб бериш, унинг онгига етказиш, унинг чекишини қўллаб-қувватловчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини зарарсизлантириш боладаги сурункали равишда тамаки маҳсулотларини чекишни бартараф этишнинг гаровидир.

Боланинг чекишга ўрганишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) катталарга ва уларнинг чекиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларига тақлид қилиши. Тақлид, аввало, барг, ўт, сигарет қолдиғидан бошланади ва энг асосийси, чиройли сигарет қутисини кўргандан кейин қизиқиш оқибатида чекиш хоҳиши пайдо бўлади;

б) болада бекорчи вақтнинг кўплиги ва унинг ота-она томонидан назорат қилинмаслиги;

в) бола ёш хусусиятидан келиб чиқиб, эркинликни, мустақилликни, саргузаштларни яхши кўриши, шунингдек ўзгарувчан кайфиятга эгалиги, бошқа болалар орасида тенг ҳуқуқли ёки лидер бўлишга интилиши;

г) болага нисбатан ўқитувчининг ёки ота-онанинг адолатсиз қилмиши унинг хотирасида узоқ вақт сақланиши ва қасос ҳисси уйғониши натижасида мактабга бормасдан ўзига тенг бўлган ёки жисмонан заиф болалар билан дўстлашиши;

д) ота-она ёки ўқитувчининг ўзи чекиши, боланинг улар қаровсиз қолдирган тамаки маҳсулотларидан яширин равишда олиб чекиши;

ж) катта ёшдагиларнинг болани савдо дўконига тамаки маҳсулотларини олиб келиш учун жўнатиши ва дўконларда болаларга тамаки маҳсулотларининг сотилиши;

з) ота-онанинг болага эҳтиёжидан ортиқ кўпроқ пул бериши ва бола томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги ва бошқ.

Болани чекишдан тўхтатишда улар билан оммавий аудиторияда профилактик тадбирлар ўтказиш бефойда, чунки оммавий равишда руҳиятга таъсир этиш кўнгилдагидек самара бермайди. Бу борада бола билан яқка тартибда суҳбат ўтказиш, тарбиялаш катта самара беради.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда тамаки маҳсулотларини чекишни давом эттирса, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) мурожаат қилиши шарт.

3.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) сурункали равишда тамаки маҳсулотларини чекаётган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– боланинг тамаки маҳсулотларини чекишини қўллаб-қувватловчиларни, у билан биргаликда чекувчилар, шу жумладан тенгдошларини, тамаки маҳсулоти учун маблағни қаердан олаётганлигини, уни чекишга ундовчи шахс (гуруҳ)ни аниқлайди ҳамда уларнинг таъсирини зарарсизлантириш чораларини кўради;

– бола билан ўтказилган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлайди;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида, болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг сурункали равишда мактабга боришдан бўйин товлашига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор

шахсларни аниқлайди ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда қўлланманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

Хизмат хонасига келтирилган вояга етмаганлар 3 (уч) соатгача, адашган ва ташлаб кетилган, шахси ноаниқ ва дайди вояга етмаганлар эса 8 (саккиз) соатгача ушлаб турилиши мумкин.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Эслатма. Бола билан ишлаётган барча субъектларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши, бир-бири билан ўз вақтида ахборот алмашиб туриши, унга нисбатан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик суҳбат, у жалб этилаётган мактабдан ташқари машғулотлар, тадбирлар қанчалик натижа бераётганлигини биргаликда муҳокама қилиб бориш болаларнинг ижтимоий салбий иллатларга кириб қолиши, хусусан, тамаки маҳсулотларини чекиш ҳолатлари олдини олишининг гаровидир.

4. БОЛА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА БЕРИЛГАНДА

4.1. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштироқида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади¹.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Эслатма. Ўтказилган тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар давомида ота-она ёки унинг ўрнини босувчилар, шунингдек мактаб маъмурияти томонидан болага спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг инсон организми учун зарари, унинг мудҳиш оқибатларини мутахассис шифокор ёрдамида, диний-маърифий томонлама маънавий оқибатини диний мутахассис ёки диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ёрдамида тушунтириб бериш, унинг онгига етказиш боладаги спиртли ичимликларни истеъмол қилишни бартараф этишнинг гаровидир.

Боланинг ичкиликбозликка берилишига олиб келувчи сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) болада бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги;

б) боланинг ўзидаги мавжуд муаммоларни спиртли ичимлик истеъмол қилиш орқали вақтинчалик унутишга ҳаракат қилиши ва бунинг натижасида унда иродасизлик ортиб, спиртли ичимликка ружу қўйиши;

в) бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилиши, спиртли ичимликни ошкора равишда ичиш орқали ўз хатти-ҳаракатларининг бошқаларникига ўхшамаслигини намойиш этишга ҳаракат қилиши;

г) уйда меҳмонларни кузатиб бўлгандан кейин, болаларнинг қолган спиртли ичимликни, жумладан ароқ, вино ёки пивони ичиб кўриши ёки яшириб қўйиб ичиши натижасида унга ўрганиб қолиши;

д) бола организмнинг спиртли ичимликни истеъмол қилган вақтида роҳатланиши, ҳузур қилиши натижасида боланинг уни яна такрор истеъмол қилишга хоҳиши пайдо бўлиши;

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами.– Т.,2008.– № 1-2.– 1-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 2. – 80-м.

е) катта ёшдагиларнинг болани савдо дўконига спиртли ичимликларни олиб келиш учун жўнатиши ва дўконларда болаларга спиртли ичимликларнинг сотилиши;

ж) болалардаги спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш бўйича баҳслар натижасида уларнинг сурункали ичкиликбозликка кириб қолиши;

з) ота-онанинг болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида керагидан ортиқ ишониши;

и) ота-онанинг болага эҳтиёжидан ортиқ кўпроқ пул бериши ва бола томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги ва бошқ.

Боланинг ичкиликбозликка берилганининг сабабини ўрганишда унинг авлодида ичкиликка ружу қўйганлар бор-йўқлиги ўрганилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишни давом эттирса, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) мурожаат қилиши шарт.

4.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилаётган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– спиртли ичимлик вояга етмаган шахсга қандай йўллар билан етиб бораётганлигини аниқлаш ва уларни тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш лозим¹;

¹Абдужалилов А.А. Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлиги ҳамда жинойтчилигининг ўзига хос хусусиятлари //Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати: илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2006. – Б.187.

– бола билан ўтказилган якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлайди;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида, болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор шахсларни аниқлайди ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда қўлланма ушбу бўлимнинг 1.2-бандида кўрсатилган, шунингдек қуйидаги чораларни кўради:

– спиртли ичимликнинг бола кўлига қандай етиб бораётганлиги тафсилотларини аниқлайди;

– вояга етмаганларни спиртли ичимликни истеъмол қилишга ундаётган шахсларни аниқлаш борасида тегишли хизмат соҳалари билан биргаликда тадбирлар ўтказилади;

– болани профилактик рўйхат ҳисобига олади;

– вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия болани ҳисобга олиш тўғрисида қарор чиқарганда, қонунда кўрсатилган тартибда тегишли ҳужжатларни тиббий муассасалар ёрдамида расмийлаштириб, суд қарори асосида болани мажбурий даволашга жўнатади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Эслатма. Бола билан ишлашга ўз ишининг ҳақиқий мутахассиси ва фидойиси бўлган кишиларни жалб этиш, уларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан ва боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, танлаган усулларни қўллаган ҳолда бажариши, керакли ахборотдан ўз вақтида фойдаланиши, унга нисбатан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик суҳбат, у жалб этилаётган мактабдан ташқари машғулотлар, тадбирлар қанчалик натижа бераётганлигини мунтазам мониторинг қилиб бориш бола томонидан сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг олдини олиш ва унинг сабабларини бартараф этишнинг гаровидир.

Агарда юқоридаги кўрсатилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишни давом эттирса, туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) боланинг бу салбий қилмиши ва унинг олдини олиш жараёнида тўпланган барча материалларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

4.3. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилаётган боланинг ишини кўриб чиқишда:

– боланинг сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун масъул бўлган ота-она, мактаб маъмурияти, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи, мутахассис, туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторининг олиб борган ишлар бўйича ҳисоботини эшитишади ҳамда бу жараёнда иштирок этган жамоат тузилмалари тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилади;

– комиссия раиси билан келишган ҳолда, ҳужжатлар комиссия аъзоларига ўрганиш учун тақдим этилади;

– ишни кўриб чиқишда иштирок этиши зарур бўлган шахслар доираси аниқланади, вақти ва унда қатнашиши керак бўлган аъзолар белгиланади;

– комиссия ишларни тайёрлаш ва қараб чиқиш пайтида вояга етмаган шахснинг ёшини, машғулотини, яшаб турган ва тарбияланаётган шароитини, ҳуқуқбузарлик қилганлиги фактини ва

унинг содир этилганини тасдиқловчи далилларни, шунингдек спиртли ичимлик истеъмол қилишга жалб этувчи катта ёшдаги кишилар ва бошқа қатнашчилар бўлган-бўлмаганлигини, вояга етмаган шахсларга илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлаши зарур;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва улар у билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлиги, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлиги ўрганилади;

– бола билан ўтказилган якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабаблари аниқланади;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликлари маълум қилинади;

– комиссия ишни қараб чиқиш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олиши, шунингдек комиссияда кўриладиган масалалар юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақириши мумкин;

– мансабдор шахслар ва фуқаролар комиссия чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда, комиссия ишни кўришни қолдириб, уларни ўзлари ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият, жамоат ташкилотлари орқали олиб келиш чораларини кўриши мумкин;

– иши кўрилаётган вояга етмаган шахс, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар комиссияга узрсиз сабаблар билан келишдан бош тортган тақдирда, улар ички ишлар органлари орқали олиб келиниши мумкин;

– болани ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олиш учун қарор чиқаради;

– болани тиббий кўрикдан ўтказиб, мутахассис шифокор ёзма хулосасига кўра мажбурий даволанишга юборилади.

– «ичкиликбозлик» касаллигига дучор бўлган ота-оналарнинг муомала лаёқатини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссиялар ички ишлар органлари ва халқ таълими органлари тақдими бўйича берилган ишларни улар тушган пайтдан бошлаб кўни билан 15 кун ичида кўриб чиқадилар.

Эслатма. Ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукаммал аниқланганлиги ва у билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлиги, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиб бориш боланинг сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишини бартараф этишнинг гаровидир.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия юқоридаги тадбирларни амалга оширишда:

— вояга етмаганлар, ота-оналарни шахсан қабул қилиш, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари билан танишиши мумкин;

— ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ва профилактика инспектори ишларининг аҳволини текшириши мумкин;

— умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртларида, маданий-маърифий муассасаларда, шунингдек вояга етмаганлар ишлаб турган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда болалар ва ўсмирлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини текшириши мумкин;

— давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан комиссия иши учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиши мумкин;

— жамоатчиликни вояга етмаганларни қайта тарбиялаш ишларида қатнашишга жалб этиши мумкин;

— ўзига юклатилган вазифаларни умуман ёки лозим даражада бажармаган тегишли давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олдига комиссия қарорларини бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чораси ёки жамоатчилик таъсири кўрсатиш чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин.

5. БОЛА ГИЁХВАНДЛИККА БЕРИЛГАНДА

5.1. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини хузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади¹;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– боланинг гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш учун моддий маблағни қаердан олишини аниқлаш, таъминотчиси ким эканлигини билиш керак;

– боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– болани наркология диспансери кўригига олиб борилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Эслатма. Ўтказилган тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар давомида ота-она ёки унинг ўрнини босувчилар, шунингдек мактаб маъмурияти томонидан болага гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг инсон организми учун зарари, унинг мудҳиш оқибатларини мутахассис шифокор ёрдамида, диний-маърифий томонлама маънавий оқибатини диний мутахассис ёки диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ёрдамида тушунтириб бериш, унинг онгига етказиш боладаги гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни бартараф этишнинг гаровидир.

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

Боланинг гиёҳвандликка берилишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) болада бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги;

б) боланинг гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиб кўришга бўлган қизиқиши, унинг таъсирини ўзида синаб кўришга интилиши;

в) боладаги стрессга чидамлилиқнинг пастлиги, тортинчоқлик, итоаткорлик ёки унинг акси – тез асабийлашиши;

г) ота-онанинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши;

д) боланинг турли хил норасмий ўсмирлар гуруҳларининг таъсирига тушиб қолиши, уларга тобе бўлиб қолиши;

е) боланинг чекиш, сурункали ичкиликбозликнинг мантиқий давоми сифатида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши;

ж) ота-онанинг болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида унга керагидан ортиқ ишониши;

з) ота-онанинг болага эҳтиёжидан ортиқ кўпроқ пул бериши ва бола томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги ва бошқалар.

Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар ва гиёҳвандлар болани гиёҳвандликка ўргатишда, асосан, моддий томонлама яхши таъминланган оилаларнинг болаларини кўпроқ ўзларига ўлжа сифатида жалб қилишга ҳаракат қиладилар.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, бола сурункали равишда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни давом эттирса, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) мурожаат қилиши шарт.

5.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) сурункали равишда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф мураббийси ёки бошқа педагоглар билан бамаънаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– бола билан ўтказилган якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлайди;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг сурункали равишда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор шахсларни аниқлайди ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилади;

– болани тиббий кўрикдан ўтказиб, мутахассис шифокор ёзма ҳулосасига кўра мажбурий даволанишга юборилади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда қўлланманинг 1.2.-бандида кўрсатилган, шунингдек қуйидаги чораларни кўради:

– болани гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга ундаётган шахсларни аниқлаш борасида тегишли хизмат соҳалари билан биргаликда тадбирлар ўтказилади;

– гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддалар боланинг қўлига қандай етиб бораётганлиги тафсилотларини аниқлайди;

– ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан биргаликда «гиёҳвандлик» касаллигига дучор бўлган ота-оналарнинг муомала лаёқатини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашади;

– соғлиқни сақлаш муассасаларига келишдан бош тортган, мажбурий даволанишга мухтож сурункали равишда гиёҳванд

моддаларни истеъмол қилувчи болани тиббий кўриқдан ўтказишга олиб келишга ёрдамлашади;

– мутахассис шифокорнинг ёзма хулосаси асосида қонунда кўрсатилган тартибда тегишли хужжатларни тиббий муассасалар ёрдамида расмийлаштириб, суд қарори асосида болани мажбурий даволанишга жўнатади;

– соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан «гиёҳванд» ташхиси қўйилган ва мажбурий даволаш муассасасидан қайтган болага нисбатан ҳисоб профилактик иши юритади;

– боланинг профилактик ҳисобга олинганлиги ҳақида унинг яшаш, ўқиш ва иш жойларига хабар беради.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Эслатма. Бола гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишни бошлаган дастлабки босқичлардаёқ, ундан қайтариш бу борада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар самарасини таъминлайди ҳамда боланинг ижтимоий соғлом ҳаётга қайтишини тезлаштиради ва осонлаштиради.

6. БОЛА САЛБИЙ ГУРУҲЛАР, ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ҲОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛГАНДА

6.1. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, ёшлар билан ишлаш комиссияси ва мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ҳамда ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаънаслаҳат ва ҳамкорликда:

– биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади;

– боланинг оиладаги яшаш ва ўқиш шарт-шароити, ижтимоий-руҳий муҳит, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати ўрганилади, муаммолар аниқланади ва уларни ҳал этиш бўйича керакли маслаҳатлар берилади ёки амалий ёрдам кўрсатилади;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари ҳисобга олинган ҳолда, у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқдир.

Эслатма. Бола билан ишлаётган барча субъектларнинг унга диннинг асл мазмуни ва моҳиятини, шунингдек диний-экстремистик ва террористик оқимлар, ғоялар асл мақсад ва муддаосини тушунтириб бериши ҳамда онгига етказа билиши, шунингдек унинг ҳуқуқий маданиятини узлуксиз равишда юксалтириб бориш боланинг диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишнинг гаровидир.

Боланинг салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишига қўйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) болада бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги;

б) оилада ота-она ва унинг ўрнини босувчилар томонидан боланинг қизиқиш ва эҳтиёжининг ўрганилмаслиги, унинг тарбиясига бефарқ ёндашиш;

в) болага оила ва мактабда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан тийилиш, унинг натижасида келиб чиқадиган оқибатлар тўғрисида тушунтирилмаслиги;

г) бола ҳаётининг ранг-баранг, қизиқарли бўлмаслиги, зерикарли бўлиши психологик стрессоген ҳаётга олиб келади, бу эса болада янги ҳаёт, янги вазият излаш, ўзидаги ички психологик нотинчликни дин билан боғлаш учун асос бўлади;

д) оилада ота-она ва бошқа катта ёшдаги яқин қариндошларнинг диннинг асл моҳиятини тушунмаслиги, диний экстремистик ва террористик оқимларга кириб кетганлиги ёки бунга мойиллиги;

е) оила аъзолари ўртасида стресс ҳолатларнинг мавжудлиги, оила ва мактабда боланинг психологик жиҳатдан синиб қолиши, яъни руҳиятининг чўкиши;

ж) ота-онанинг болага эҳтиёжидан ортиқ кўпроқ пул бериши ва бола томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги;

з) боланинг рухсат этилмаган жойларда ёки диний сабоқ беришга рухсати бўлмаган шахслардан диний билим олиши;

и) боланинг жиноий, диний экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи варақалар, адабиётлар ва бошқа манбаларни ўрганиши, шунингдек видеокассета, CD, DVD дискларни томоша қилиши ва бошқ.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, шунингдек болага нисбатан салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирини бартараф этиш бўйича олиб борилган ишлар ўз самарасини бермай, боланинг дунёқарашидаги салбий қарашлар ўзгармаса, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки мактаб маъмурияти туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспекторига) муурожаат қилиши шарт.

6.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолган боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда бола манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиши лозим;

– бола билан ўтказилган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабаблари аниқланади;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида, болага нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликлари маълум қилинади, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилинади;

– мажбуриятларини бажармаётган, боланинг салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишига шарт-шароит яратиб бераётган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, мансабдор шахслар аниқланади ва ҳужжатлар ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилинади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактика инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда қўлланманинг 1.2.-бандида кўрсатилган, шунингдек қўйидаги чораларни кўради:

– диний-экстремистик оқимларга кирган ва бундай оқимларга мойил бўлган вояга етмаганларни ИИБ раҳбарияти томонидан жамиятга зид хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида расмий огоҳлантирилишини ташкил қилади;

– болага нисбатан ҳисоб профилактик варақаси юритади;

– болани ўз сафига жалб қилаётган салбий гуруҳларни аниқлаш борасида тегишли хизмат соҳалари билан биргаликда тадбирлар ўтказилади;

– боланинг диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига қандай кириб қолганлиги тафсилотларини аниқлайди;

– болани диний-экстремистик ва террористик ғояларга жалб қилган бундай оқим тарафдорларини аниқлайди ва улар билан тегишли профилактик чора-тадбирларни амалга оширади, зарур ҳолларда тегишли тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради;

– тегишли асосларга кўра болани диний-экстремистик ва террористик ғояларга жалб қилган бундай оқим тарафдорларини профилактик ҳисобга олади;

– бошқа болаларнинг ҳам салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун маҳаллаларда ва таълим муассасаларида жинойтчилик, диний-экстремизм ва терроризм

каби иллатларнинг аянчли оқибатлари мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиши ва бошқа тадбирларни ташкил қилади;

– маҳалла, ўқув муассасалари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда ҳуқуқбузар вояга етмаганлар ва фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хулқ-атворини муҳокама этишда қатнашади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Эслатма. Боланинг доимий равишда ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахс назорати остида ва эътиборида бўлиши, унинг бўш вақтларини турли ижтимоий фойдали машғулотларга жалб қилиш орқали мазмунли ўтказиш унинг салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш гаровидир.

Агарда юқоридаги кўрсатилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермай, боланинг дунёқарашидagi салбий қарашлар ўзгармаса, туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) боланинг бу салбий қилмиши ва унинг олдини олиш жараёнида тўпланган барча материалларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Шунингдек, болалар ҳуқуқбузарликлар қилишлари учун шароит яратиб бераётган ёхуд вояга етмаганларни жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар қилишга ундаётган ёки жалб этаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига тақдимнома киритадилар¹.

7. БОЛА ҚАРОВСИЗ ВА НАРОЗАТСИЗ ҚОЛГАНДА

Ҳаётда ота-она, оила, жамият эътиборидан четда қолган қаровсиз болалар тоифаси ҳам учрайди. Улар ота-оналари билан бир хонадонда турмуш кечирсалар ҳам оилавий алоқалар жуда заифлашган ёки

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 26-банди.

мутлақо барбод бўлган вазиятда яшайдилар. Тегишли қаров ва парваришнинг йўқлиги, ривожланиб келаётган шахс эҳтиёжлари ва манфаатларига бепарволик, ота-оналар томонидан эътиборсиз муносабатда бўлиш қаровсиз боланинг психофизик ривожланишига, ахлоқий тараққиётига жиддий таҳдид туғдиради. Адабиётларда қаровсиз болаларнинг куйидаги тоифалари келтирилган:

1) турли хилдаги вазиятлар таъсирида мунтазам кўчада яшайдиганлар. Булар 1 ойдан ортиқ кўчада яшовчи болалар;

2) вақти-вақти билан кўчада яшайдиганлар. Бу болаларнинг кўчадаги ҳаёти бир неча кундан бир неча ҳафтагача чекланган. Ушбу тоифадаги болалар ота-оналарининг сурункали ичишидан кўчага чиқиб кетадилар, етим болалар (муассасадан қочган)нинг кўчада юриши тарбиячи билан низонинг бартараф қилинишига ёки ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқланиб, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига олиб боришга қадар давом этади;

3) уйда яшайдиган (тунайдиган), лекин ўз эҳтиёжларини кўчада қондирадиганлар.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, биринчи тоифадаги болалар шаҳар кўчаларида унчалик кўп эмас. Асосан улар қишлоқ жойларидан, баъзи ҳолларда бошқа республикалардан ишлаб пул топиш ва янги таассуротлар олиш мақсадида келишади. Ўсмирларнинг бошқа бир қисми эса уй-жойсиз қолган, ишлаб пул топишга келган, лекин ҳали ҳеч қаерга жойлаша олмаган ота-оналари билан катта шаҳарларга келиб қолишади. Ота-оналаридан кўра ўсмирлар кўчада яшаш кўникмасини кўпроқ орттирадилар: бозорда арава ташийдилар, сув, чой сотадилар, машина ювадилар ва ҳ.к. Бироқ, кўп ҳолларда улар дарҳол ўғрилиқ малакасини эгаллайдилар, кўп танишлар орттирадилар, қонунни бузадилар, ўз танишлари томонидан жиддий хавф-хатарга йўлиқадилар.

Иккинчи тоифадаги қаровсиз болалар – эркин турмуш тарзини танлаган ўсмирлар (кўпчилиги интернатлар, меҳрибонлик уйларида қочганлар, кам ҳолларда – «уй болалари»). Бу тоифадаги ўсмирларни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилиш узвий боғлаб туради. Гуруҳнинг фаолияти наркотик учун иложини топиш, қаердан топиш, «жойи»ни қидириш, биргалашиб истеъмол қилишдан иборат. Бунинг оқибатида жамият билан алоқа батамом узилади ва гуруҳ биринчи тоифага ўтади.

Кўча гуруҳлари ўзини ўзи таъминлай олади ва йирик шаҳарларда озиқ-овқат, тунаш учун жой билан таъминловчи етарли даражада яхши уюшган тизимга эга.

Учинчи тоифадаги болаларни шаҳар кўчаларида, мактабда учратиш мумкин. Уларни қаровсиз деб бўлмайди, чунки улар уйда яшайди ва уларнинг ота-онаси бор. Улар уйига қайтганда ота-онаси билан мулоқот қилишмайди, ўзи қурган ҳаётда яшаб ўз маънавиятларини шакллантирадilar. Айнан шу ўсмирлар ҳуқуқбузарлар, психотроп моддаларни истеъмол қилувчилар сифатида ички ишлар идоралари ходимлари назарига тушиб қоладilar.

Кўча болалари ўзлари билмаган ҳолда келгусида қандай ҳаётни танлашга иккиланадилар. Бунинг оқибатида уларни қандай бўлсалар шундайлигича қабул қила оладиган, уларни тан оладиган ва ҳурмат қиладиган инсонни танлайдилар. Кўпинча бу инсон криминал ўтмишга эга ёки бирон-бир норасмий гуруҳ аъзоси бўлиши мумкин.

Қаровсиз қолдирилган болалар кўп ҳолларда «кўча болалари»га айланадилар. Кўпчилик кўча болалари эса турли хилдаги психотроп моддаларни истеъмол қилишади. Кўпчилиги чекади, токсик моддалар (ёши 8–9дан 13–14гача) қабул қилишади (елим, бўёқ, бензин). Кейинчалик эса спиртли ичимликларни, баъзи ҳолларда эса наркотик моддаларни истеъмол қилишгача боришади.

Уларнинг асосий пул топиш йўллари – тиламчилик, машина ювиш, бозорларда ўғрилик қилиш, машина аппаратураларини ўғрилаш ва бошқ. Охир оқибатда ушбу болаларда криминал хулқ-атвор шаклланади ва уларнинг жиноятга қўл уриши кузатилади.

7.1. Ота-онасининг қаровсиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланганидек, васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этилади.

Бу тоифа маълумотлар қуйидаги ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этилади:

- ота-онаси вафот этганда;
- ота-онаси ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум бўлганда;
- ота-онасининг ота-оналик ҳуқуқлари чекланганда;
- ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда;
- ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлганда;
- ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаганда;
- ота-онаси болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортганда;

– ота-онаси болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этганда.

Маълумотлар, шунингдек ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эътироф этилган, васийлик ва ҳомийлик органларининг огоҳлантиришига қарамасдан, улар болалар билан олти ойдан ортиқ яшамаётган ҳолларда ҳам тақдим этилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органига қуйидагилар томонидан тақдим этилиши мумкин:

– боланинг қариндошлари;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари);

– фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларининг мансабдор шахслари (фуқароларнинг ўлимини рўйхатдан ўтказишда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар мавжудлиги маълум бўлганда, шунингдек бошқа ҳолларда);

– судлар (фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида, уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилганда, қарамоғида вояга етмаган болалар мавжуд бўлган шахсларни қамокқа олишда ёки озодликдан маҳрум этишда, шунингдек болалар ота-онасининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларда);

– муассасалар (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва бошқа муассасалар), жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари;

– болаларнинг ота-онасининг қаровисиз қолганлиги тўғрисида уларга маълум бўлган фуқаролар.

Болалар ота-онасининг қаровисиз қолганлиги сабаблари ҳар бир ота-онага нисбатан яқка тартибда аниқланади.

7.2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) хизмат ҳудудида адашган, қаровисиз ва назоратсиз қолдирилган, дайдилик ва тиламчилик қилиб юрган бола учраганда фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси, мактаб маъмурияти ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– болага нисбатан иккита қўшни иштирокида алоҳида далолатнома тузилади, у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан имзоланади;

– бола вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) хизмат хонасига келтирилади ва унинг шахси, ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд яқин қариндошлари, яшаш ва ўқиш жойини аниқлаш чоралари кўрилади;

– боланинг нима сабабдан қаровсиз ва назоратсиз қолганлиги сабаб ва шароитларини аниқлаш чоралари кўрилади;

– агарда бола бутунлай ота-онасининг қаровисиз қолган бўлса, тегишли қарор қабул қилингунга қадар, унинг ота-онаси ёки оиласи билан дўстона алоқаларда бўлган оилаларга болани вақтинча зарур тарзда парвариш қилиш тўғрисида улардан тилхат олган ҳолда, жойлаштириш чораларини кўради;

– бола унинг шахсини ва яшаш манзилини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, 8 соат ичида, белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, соғлиқни сақлаш муассасаси ҳамда ички ишлар идораларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилади;

– марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар тўғрисида 24 соат ичида ҳудудий шаҳар туман прокурорига хабар берилади;

– ота-онасининг қаровисиз қолган бола ҳақида у аниқланган кундан бошлаб етти кун мобайнида тегишли васийлик ва ҳомийлик органига маълумотлар берилади.

Оилада ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар бола тарбиясига, унинг ўзига эътиборсиз муносабатда бўлмасликлари лозим. Бола ҳамма вақт ўзининг ота-онасига керакли, қимматли эканлигини ҳис қилиб яшаш лозим.

Боланинг ўзини кераксиз деб ҳис қилишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) болани доимий равишда танқид қилиш, камситиш, унга нисбатан умуман ижобий баҳо бермаслик;

б) болага ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан жисмоний-руҳий зўравонлик қўлланилиши;

в) ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан

боланинг мантиқан фикрлаши, ўз фикрини айтишига тўсқинлик қилиниши;

г) оила ва мактабда боланинг муваффақиятсизликлари учун доимо айбланиши, у тушкунликка тушган вақтда маънавий-руҳий далда берилмаслиги;

д) боланинг кайфияти билан ҳеч кимнинг педагогик-психологик жиҳатдан ҳисоблашмаслиги;

е) оила, мактаб ва тенгдошлар орасида боладаги физиологик ва психологик камчиликларнинг устидан кулиш;

ж) ота-она томонидан болани моддий жиҳатдан таъминламаслик, яъни боланинг тенгдошлари орасида юпун кийиниши ёки оч-наҳор юриши ва бошқ.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда:

– вояга етмаганларни, уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларни, шунингдек бошқа шахсларни хизмат хонасига чақиртиради;

– вояга етмаган фарзандлари олдидаги бурчини бажармаётган, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ИИБ раҳбарияти томонидан жамиятга зид хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида расмий огоҳлантирилишини ташкил қилади;

– ижтимоий ёрдамга муҳтож вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқади;

– хизмат хонасига келтирилган вояга етмаганларни зарурат бўлганда холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказди;

– вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасида аҳоли турар жойлари, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида, қолаверса, оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;

– маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар билан келишган ҳолда, шунингдек меҳнат биржалари ёрдамида меҳнат қилиш ёшига етган болани унинг соғлиғига зарар қилмайдиган, қонун талабларига жавоб берадиган иш билан таъминлашда кўмаклашади;

– вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ масалалар бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритади;

– вояга етмаганларнинг транспорт воситаларида қаровсиз ва назоратсиз юришларига йўл қўймаслик мақсадида, темир йўл ва ҳаво транспорти хизматчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

– фарзандларини тарбиялаш борасида ота-оналик бурчини бажармаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини чеклаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ва тегишли органларга тақдим этади;

– вояга етмаганлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишда эътиборсизликка йўл қўйган, белгиланган мажбуриятларини бажармаётган, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка шарт-шароитлар яратиб берган мансабдор шахсларни аниқлайди ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилади;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати йиғилишларига вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилиги билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатлар тайёрлайди;

– васийлик ва ҳомийлик органларига қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни ижтимоий муҳофазага олишда кўмаклашади;

– вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил қилади;

– вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш борасида «Ўсмир», «Ғамхўрлик», «Ойна» каби тадбирларни ўтказиши;

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Ичкилик, гиёҳванд ёки токсик моддалар истеъмол қилиб маст бўлганлар, касаллик белгилари кўриниб турган руҳий касаллар, жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшда жиноят содир этганлар, уч ёшга тўлмаган болалар Марказга жойлаштирилмайдилар.

7.3. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

бошқармалари ҳузуридаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази келтирилган адашган, қаровсиз ва назоратсиз қолдирилган, дайдилик ва тиламчилик қилиб юрган болага ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

– вояга етмаганларнинг оиласидаги яшаш ва тарбия шароитлари, уларнинг характер ва хусусиятлари, қизиқишлари, иши ва ўқишини ўзбошимчалик билан ташлаш, оиладан, ўқув муассасасидан берухсат кетиш сабаблари, ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун сабаб бўлувчи корхона, муассаса ва ўқув юртлари фаолиятидаги камчиликлар, содир этилган жиноятлар, уларда иштирок этган шахслар, қидирувдаги шахслар, бедарак йўқолган шахслар, ўғирланган нарсаларни сотиш жойлари, вояга етмаганларни жиноий ёки бошқа ножўя ҳаракатларга жалб қилиниш ҳоллари аниқланади;

– вояга етмаганлар билан якка тартибда тарбиявий тадбирлар ўтказилади, бунда яхши хислатлар ва қизиқишларни ривожлантириш, хулқидаги камчиликларни бартараф қилиш, ўқиш ва меҳнатга жалб қилинишига алоҳида эътибор беради;

– Марказга ёшлиги, касаллиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўзи ҳақида маълумотларни айтиб бера олмайдиган вояга етмаганлар келтирилган бўлса, у ҳолда ушбу Марказнинг мансабдор шахслари томонидан ўсмирларга оид бўлган ҳужжатлар бўйича, якка тартибда профилактик ва тарбиявий ишларни олиб бориш мобайнида шаҳар, туман ички ишлар идораларига, бошқа ташкилот, корхона, муассаса ва ўқув юртларига сўров хати юбориш йўли билан бу тоифа ўсмирларнинг шахсини, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш чораларини кўради;

– вояга етмаганларнинг ўзбошимчалик билан кетиши ва ҳуқуқбузарлик содир этиш имконияти бўлмаган шароитларда сақланишини таъминлайди;

– интизомни ва ички тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузган ёки уларга нисбатан кўрилган тарбиявий чоралар яхши натижа бермаган вояга етмаганлар билан қўшимча равишда кучайтирилган тартибда доимий тарбиявий-назорат ишларини олиб боради;

– ўсмирни ушлаб олиш тафсилотлари, қаердан ва қайси транспорт турида келгани, яшаш жойи, ҳаёт кечиришга маблағлари ва уларни топиш манбалари ҳамда унинг шахсини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа тафсилотларни аниқлайди ва ўзи ҳақидаги маълумотларни яширган шахсларга алоҳида эътибор қаратади;

– 20 кун давомида шахси аниқланмаган ўсмир Марказ жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш муассасасига ёшини аниқлаш учун суд тиббий гувоҳлантиришга юборилади. Суд-тиббий гувоҳлантиришнинг хулосаси олингандан сўнг вояга етмаган тегишли болалар муассасасига жойлаштирилади;

– тегишли давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш органларига вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳақида маълумотлар юборилади;

– Марказдаги болалар ва ўсмирларнинг умумий ҳуқуқий билим савиясини оширишга, уларга ишга жойлашиш ва ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради;

– суд-тиббий гувоҳлантириш кўригидан ўтказилган шахс 18 ёшга тўлганлиги аниқланганда уни «Иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация қилиш маркази»га жойлаштириш ёки унга нисбатан қонунда кўзда тутилган бошқа чораларни қўллаш масаласини ҳал қилиш учун Марказ жойлашган ҳудуддаги ички ишлар идорасининг навбатчилик бўлимига дарҳол топширилади;

– вояга етмаганнинг шахси аниқлангандан кейин 24 соат мобайнида шаҳар, туман ички ишлар идорасига, ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ҳамда тегишли идоралар ва жамоат ташкилотларига унинг сақланаётган жойи тўғрисида маълумотлар юборилади;

– ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан алоқаси узилган вояга етмаганнинг ҳисоб варақасини у жойлашадиган ҳудуддаги ички ишлар идораларининг паспорт-виза бўлинмаларига юборилади.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази томонидан юқоридаги тадбирларни амалга оширишда:

– бола Марказнинг мансабдор шахслари томонидан икки нафар бошқа ходим ёки бир хил жинсдаги холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилади. Кўрик вақтида аниқланган пуллар, қимматбаҳо нарсалар ва бошқа буюмлар белгиланган тартибда тузилган далолатнома асосида Марказнинг мазкур буюмларни сақлаш учун жавобгар ходимига топширилади ва вояга етмаганлар кетиш пайтида уларга қайтариб берилади;

– Марказга жойлаштирилган барча ўсмир ва болалар «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказига келтирилган вояга етмаганларни ҳисобга олиш дафтари»да рўйхатга олинадилар ва уларга ҳисобга олиш-статистик варақаси тўлдирилади;

– Марказга жойлаштирилган вояга етмаганларнинг ҳар бирига «Ҳисобга олиш йиғма жилди» очилиб, унда Марказга жойлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар тўпланади;

– жиноят содир этган шахслар ёки жиноятни очиш учун аҳамиятга эга бўлган тафсилотларнинг аниқланиши ҳақидаги маълумотлар тегишли ички ишлар идораларининг жиноят қидирув бўлимларига юборилади;

– ёши ва жинсига қараб, ҳар бирида сони 20 нафардан кўп бўлмаган гуруҳларга ўсмирлар тақсимланади ва Марказнинг мансабдор шахслари томонидан назорат қилинади. Қизлар ва ўғил болалар алоҳида ётоқхоналарга жойлаштирилади;

– ёзишмалар, учрашувлар, посилка ва узатмалар олишда болаларнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги Марказ мансабдор шахслари томонидан текширилиб турилади, прокуратура идоралари номига ёзилган ариза ва шикоятлар тегишли прокурорларга юборилади;

– сақланаётган болалар доимий равишда мансабдор шахслар кузатувида Марказ ҳовлисига сайрга, оммавий-маданий ва спорт тадбирларида иштирок этиш учун вояга етмаганлар Марказнинг ташқарисига олиб борилади;

– Марказнинг бошлиғи вояга етмаганларга оғзаки ёки буйруқ билан ташаккур билдириш, эсдалик совға топшириш каби рағбатлантириш чораларини қўллаши мумкин;

– тунда жамият учун хавфли ҳаракатлар содир қилган ёки Марказдан қочишга уринган вояга етмаганларни Марказнинг масъул навбатчиси (тарбиячиси) Марказнинг бошлиғи келишига қадар вақтинча алоҳида хонага ўтказиши мумкин;

– сўров бўлган жойларда вояга етмаганнинг ташқи қиёфаси, кийими ва унинг ёнидан чиққан нарсаларнинг рўйхати тузилади, ўсмирни уч ёқлама суратга олиш ташкил қилинади ва Марказ жойлашган ҳудуддаги ички ишлар идораси жиноят қидирув бўлимларига юборилади;

– тегишли маҳаллий бандлик идоралари билан вояга етмаганларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳамкорликда иш олиб борилади.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази томонидан вояга етмаганларни жойлаштириш мақсадида:

– ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслари мавжуд бўлган вояга етмаганлар, Марказ ходимлари кузатувида оилаларига ёки уларни олиб кетиш учун келган ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилади;

– вояга етмаганларнинг илтимосига кўра, уни бошқа шаҳарлардаги қариндошлариникига, аввал бу қариндошларнинг ҳамда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилигини олиб топширилади;

– паспортига ва доимий яшаш жойига эга бўлган 16 ёшли ва ундан катта ўсмирлар Марказ бошлиғининг ёзма рухсатига кўра ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар хузурига мустақил равишда юборилиши мумкин. Бунда вояга етмаган шахснинг уйига кетишдаги йўл харажатлари Марказ томонидан берилади. Бундай ҳолларда Марказ тегишли ички ишлар идорасига вояга етмаганни жойлашадиган ҳудудига етиб олганлигини тасдиқлаш тўғрисида илтимос билан сўров хати юборади;

– вояга етмаганнинг келажакдаги тарбияси учун керакли шароит бўлмаганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли илгари яшаган жойига қайтариш мумкин бўлмаган ҳолда, Марказнинг мансабдор шахслари юзага келган аҳвол тўғрисида ўсмирларнинг яшаш жойидаги ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясига, унинг яшаш жойи ва ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш учун хабар беради ҳамда васийлик ва ҳомийлик идоралари билан ҳамкорликда ўсмирни жойлаштириш чораларини кўради;

– ўқув-тарбия, даволаш ёки бошқа болалар муассасаларига жойлаштириш учун йўлланма олинган ёки судларнинг даволаш-тарбиялаш муассасасига юбориш ҳақида қарорлари мавжуд бўлган ўсмирлар, кўрсатилган болалар муассасаларига Марказ ходимлари кузатувида жўнатилади;

– ота-онаси ва яшаш жойи ноаниқ бўлган вояга етмаганларни даволаш-тарбиялаш муассасаларига тиббий маълумотнома асосида жўнатилаётганида Марказ ходимлари уларнинг шахсий йиғма жилди ва тиббий маълумотнома билан бирга юборади;

– Марказ бошлиғи шахсий йиғма жилднинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади ва ўсмирни даволаш-тарбиялаш муассасасига етказишни ташкил қилади;

– даволаш-тарбиялаш муассасасига жўнатилаётган вояга етмаганнинг шахсий йиғма жилди Марказнинг ўсмирни кузатиб борадиган ходимига муҳрланган қоғоз халтада шахсий йиғма жилд бўйича маълумотномалар билан бирга топширилади. Вояга етмаган даволаш-тарбиялаш муассасасига топширилаётганида ушбу ҳужжатлар шу муассасанинг раҳбарияти вакилига тақдим этилади;

– Марказда сақланаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшовчи вояга етмаганлар яшаш жойларига уларни олиб кетгани келган ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки ўша минтақанинг бунга ваколати бўлган бошқа вакиллари турли сабабларга кўра ўсмирларни олиб кетишга келмаган ёки рад этган ҳолларда бу вояга етмаганлар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш транзит Марказининг ходимлари кузатувида олиб борилади;

– Марказда сақланаётган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия, даволаш-тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бошқа болалар муассасаларидан ўзбошимчалик билан кетиб қолган вояга етмаганлар вояга етмаганнинг ушланаётгани ҳақида хабарни олгандан сўнг 2 кун ичида Марказга етиб келиши лозим бўлган вакиллар кузатувида, кўрсатилган вакиллар турли сабабларга кўра келмай қолган ҳолларда эса ўзбошимчалик билан кетиб қолганлар Марказнинг ходимлари томонидан кузатиб борилади ҳамда ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия, даволаш-тарбиялаш ҳамда бошқа болалар муассасалари вакилларига ёки бошқа марказларга далолатнома орқали топширилади;

– Марказдан жойлашадиган ҳудудларга жўнатиладиган вояга етмаганлар тиббий ва санитария кўригидан ўтказилиб, тиббий ҳужжатлар билан таъминланадилар ҳамда жойлаштириладиган манзилгача текин йўл ҳужжатлари ҳамда белгиланган миқдорда озиқ-овқат ва пул билан таъминланадилар. Зарур бўлган пайтларда вояга етмаганларга фаслга қараб фойдаланилган, аммо кийишга яроқли айрим кийим-кечак ва пойафзал билан жавоб берилиши мумкин.

7.4. Туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, фарзандини қаровсиз ва назоратсиз қолдирган, болани тиламчилик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни қилишга жалб қилувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўриш мақсадида:

– халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маданият, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси,

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

– туманлар (шаҳарлар) ҳудудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларни келтириб чиқарувчи сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

– туман (шаҳар) комиссиялари ўз болаларини тарбиялашга нотўғри муносабатда бўлаётган ёки комиссия чиқарган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳақида, шунингдек болалар ҳуқуқбузарликлар қилишлари учун шароит яратиб бераётган ёхуд вояга етмаганларни жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар қилишга ундаётган ёки жалб этаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига тақдимнома киритадилар

– комиссия ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш пайтида вояга етмаганнинг ёшини, машғулотини, яшаб турган ва тарбияланаётган шароитини, ҳуқуқбузарлик қилганлиги фактини ва унинг мазмунини тасдиқловчи маълумотларни, ҳуқуқбузарлик қилишга даъват этган катта ёшдаги кишилар ва бошқа қатнашчилар бўлган-бўлмаганлигини, вояга етмаганларга илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлаши зарур;

– комиссия вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига олиб келган сабаб ва шароитларни текшириб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт;

– комиссия зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олиши, шунингдек комиссияда кўрилаётган масалалар юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақириши мумкин;

– мансабдор шахслар ва фуқаролар комиссия чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда, комиссия ишни кўриб чиқишни қолдириши, уларни ишлаётган ёки ўқиётган жойидаги маъмурият, нодавлат ноижорат ташкилотлар орқали келтиришни таъминлаш чораларини кўриши мумкин;

– иш кўришга тайёр деб топилгач, шу ишни тайёрлаш вазифаси топширилган комиссия раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси иш кўриб чиқилишидан олдин вояга етмаганни, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларининг вакилларини ҳам барча материаллар билан таништириб

чиқади, комиссия мажлисига кимларни чақириш кераклигини аниқлаб олади ҳамда иш кўриладиган вақт ва жойни белгилайди;

– комиссия мажлиси бўладиган кун прокурорга маълум қилинади;

– вояга етмаганни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш¹;

– ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида комиссиялар вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ишларини таъминлаш учун ички ишлар органларининг тегишли ҳудудий органларини хабардор қилади;

– комиссия болани тиламчиликка, фоҳишалик билан шуғулланишга, қимор ўйинларига, спиртли ичимликлар ичишга, гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлмаган, бироқ интеллектуал ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга жалб қилган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, шунингдек тиламчилик, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари билан шуғулланган, жамоат жойларида маст ҳолда пайдо бўлган, спиртли ичимликлар, гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлмаган, бироқ интеллектуал ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи воситалар ва моддалар истеъмол қилган 16 ёшга тўлмаган ўсмирларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларидан бирини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади:

а) жамоат танбеҳи бериш;

б) огоҳлантириб қўйиш;

в) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган миқдорларда жарима солиш;

г) фавқулодда ҳолларда боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита хавф солинганда иш суд томонидан ҳал этилгунгача болани вақтинча ота-онасидан ёки улар васийлигида бўлган бошқа шахслардан олиб қўйиш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига тақдимнома киритади;

д) ота-оналарнинг муомала лаёқатини чекланган деб топиш, ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, болаларни ўз ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан олиб

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 14, 23, 26, 37, 38, 39 -банди.

қўйиш, шунингдек болаларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, шу болалари билан биргаликда яшашлари мумкин эмас деб топилган тақдирда, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисида туман (шаҳар) судига даъво билан мурожаат қилади;

– болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаган, ўзларининг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар комиссиянинг қарори билан ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олинади.

Эслатма. Болаларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш уларнинг фаровонлиги, ривожланиши, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга асосланиши лозим¹:

Комиссиянинг мажлиси унинг таркибининг ярмидан кўпи ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Мажлисда иши кўрилаётган вояга етмаган шахс, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, зарур ҳолларда эса ўқув-тарбия муассасаларининг вакиллари бўлиши шарт.

8. БОЛА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАСИДАН ЁКИ ТАРБИЯ КОЛОНИЯСИДАН ҚАЙТГАНДА

8.1. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) бола ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан ёки тарбия колониясидан қайтганда фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси, мактаб маъмурияти ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– боланинг жамиятга қайта ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида, унинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни ўрганган ҳолда, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

– боланинг оиладаги яшаш ва ўқиш шарт-шароитини, яшаш жойидаги ижтимоий-руҳий муҳитни, оила аъзоларининг унга муносабатини яхшилаш бўйича керакли маслаҳатлар беради ёки амалий ёрдам кўрсатади;

– боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, у билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказиб туради;

– боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан ёки тарбия колониясидан қайтаётган вояга етмаганларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилади;

– оиланинг бутунлигини тиклаш ва оила билан алоқа ўрнатиш мақсадида, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан ёки тарбия колониясидан озод этилган вояга етмаганларнинг қайтиши бўйича оилаларга ёрдам дастурини ишлаб чиқадилар;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилади.

Туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) юқоридаги тадбирларни амалга оширишда қўлланманинг 1.2.-бандида кўрсатилган, шунингдек қуйидаги чораларни кўради:

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан қайтган болага нисбатан ҳисоб профилактик варақаси, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган болага нисбатан ҳисоб профилактик иши юритади;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ва тарбия колониясидан озод этилган вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан ҳокимлик ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилади;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилмасликлари, салбий гуруҳлар, диний-экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун маҳаллаларда ва таълим муассасаларида жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний-экстремизм ва терроризм каби иллатларнинг аянчли оқибатлари мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиши ва бошқа тадбирларни ташкил қилади.

8.2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан ёки тарбия колониясидан қайтган болага ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жамиятга мослашишни таъминлаш мақсадида:

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шакллари аниқлашда, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширишда кўмаклашиш;

– агарда вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасасидан чиқарилганидан кейин, уни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда оналик ёки васийлик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги туфайли улар ҳузурига юборилиши мумкин бўлмаса, шунингдек унинг аввалги истиқомат жойига келиши бир қанча сабабларга кўра (ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар йўқлиги, турмуши ва меҳнат қилиши ҳамда бундан кейин тарбияланиши учун қулай шароитлар йўқлиги сабабли) мумкин бўлмаса, ушбу муассаса жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаганни мазкур шахснинг маиший яшаш шароитини яхшилаш, уни ўқиш ёки ишга жойлаштириш чоратадбирларини кўради. Зарур ҳолларда туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган шахсга васий, ҳомий тайинлаш тўғрисидаги тақдимнома билан тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига мурожаат қилади;

– тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаган истиқомат қилаётган жойдаги комиссия у 18 ёшга етгунгача уни ишга ёки ўқишга жойлаштириш чораларини кўради ва унинг ахлоқини назорат қилиб боради;

– озод бўлган вояга етмаганнинг ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳузурига қайтишига уларнинг йўқлиги ёхуд ота-оналик ҳуқуқидан ёки васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги муносабати билан имкон бўлмаса, озод бўлган вояга етмаганнинг илгари яшаб келган жойидаги комиссия тарбия колонияси маъмуриятининг тақдимномасига биноан ўз ихтисосига мувофиқ келадиган ишга ёки ўқишга жойлаштириш, шунингдек унга тегишли уй-жой-маиший шароитлар яратиб бериш чораларини кўради;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари, ота-оналар қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва умумлаштиради¹;

Эслатма. Тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаган шахсни тарбиявий мулоҳазалар сабабли илгариги истиқомат жойига юбориш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган фавқулодда ҳолларда, уни ишга жойлаштириш колония маъмуриятининг тақдими билан шу тарбия колонияси жойлашган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаганни у ёрдам сўраб мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун муддатдан кечиктирмай ишга ёки ўқишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиши шарт².

9. БОЛА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАНДА

9.1. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) болани маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда қўлга олганда ёки бошқа хизматлар, жамоат тузилмалари томонидан келтирилганда, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 285-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 13, 32, 33-бандлари.

²Ўша жойда. – 33-банд.

бўлганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бола хизмат хонасида ушлаб турилади ҳамда бу ҳақда маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади. Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади;

– вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларни албатта хабардор қилади¹;

– болани сўроқ қилиш орқали унинг маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш сабаб ва шароитларини, унинг руҳий-эмоционал ҳолатини ва бошқа иш учун аҳамиятли маълумотларни аниқлаш чораларини кўради;

– боланинг маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишида катта ёшдагиларнинг таъсири, яъни боланинг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд бошқа катта ёшдаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этилганлиги ҳолатининг бор ёки йўқлигини аниқлайди;

– боланинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлигини тасдиқловчи гувоҳлар ва жабрланувчиларни хизмат хонасига чақиради ҳамда иш бўйича уларни сўроқ қилади;

– содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан зарур ҳужжатлар тўпла-ниб, кузатув хати орқали содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишга ваколатли орган ёки мансабдор шахсга юборади;

– ҳуқуқбузарлик содир этган бола ички ишлар идорасига вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилади.

Вояга етмаган маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари, яъни ота-оналари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар ифодалашга ҳақлидирлар².

Эслатма. Болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида унга нисбатан «бузғунчи», «ҳуқуқбузар» ёки «бошловчи ҳуқуқбузар» каби атамаларни ишлатишдан тийилиш

¹Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 286-м.

²Ўша жойда, 147-б. – 296-м.

лозим. Негаки, болага нисбатан ушбу атамаларни қўллаш кўп ҳолларда уларда барқарор равишда ножўя юриш-туриш тарзи ривожланиши учун кўмаклашади¹.

Вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида болалар катта ёшдагилардан алоҳида тартибда сақланади, уларнинг катталар билан бир хонада сақланиши қатъиян тақиқланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шахар, туман, шахарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим².

9.2. Туман, шахар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган болага нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўриш мақсадида:

– ишларни тайёрлаш ва қараб чиқиш пайтида вояга етмаган шахснинг ёши, машғулоти, яшаб турган ва тарбияланаётган шароити, ҳуқуқбузарлик қилганлиги факти ва унинг содир этилганини тасдиқловчи далилларни, шунингдек ҳуқуқбузарлик қилишга даъват этувчи катта ёшдаги кишилар ва бошқа қатнашчилар бўлган-бўлмаганлигини, вояга етмаган шахсларга илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлайди;

– вояга етмаган шахснинг ҳуқуқбузарлик содир қилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни батафсил текшириб, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

²Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 9 (14-модда).

– ишни қараб чиқиш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади, шунингдек комиссияда кўриладиган масалалар юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиради;

– мансабдор шахслар ва фуқаролар комиссия чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда, комиссия ишни кўришни қолдириб, уларни ўзлари ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият, жамоат ташкилотлари орқали келтириш чораларини кўради;

– иш кўришга тайёр деб топилгач, шу ишни тайёрлаш вазифаси топширилган комиссия раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси иш кўриб чиқилишидан олдин вояга етмаганни, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларининг вакиллари ҳам барча материаллар билан таништириб чиқади, комиссия мажлисига кимларни чақириш кераклиги аниқлаб олади ҳамда иш кўриладиган вақт ва жойни белгилайди;

– комиссия мажлиси бўладиган кун прокурорга маълум қилинади;

– вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар қилганлиги тўғрисида туман (шаҳар) комиссияси кўриб чиқиши лозим бўлган материаллар комиссиянинг раиси ёки унинг ўринбосари томонидан олдиндан ўрганиб чиқилади ва улар:

а) ишни комиссия мажлисида қараб чиқиш;

б) ишга оид материалларни кўшимча равишда текшириш ёки тушган аризалар, тақдимномалар бўйича текшириб чиқиш;

в) иш комиссия мажлисида кўрилгунга қадар вояга етмаган шахсга таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

г) унчалик зарарли бўлмаган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни, агар ҳуқуқбузарга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатишга муваффақ бўлинса, вояга етмаган яшаётган ёки ўқиётган жой бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёки нодавлат нотижорат ташкилотларга топшириш хусусида қарор қабул қилади;

– вояга етмаганни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш;

– ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга қуйидаги таъсир чораларидан бирини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинади:

а) жамоат танбеҳи бериш;

б) огоҳлантириб қўйиш;

в) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган миқдорларда жарима солиш;

– ҳуқуқбузарлик содир этган болага нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганида туман (шаҳар) комиссияси ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини ва сабабларини, вояга етмагanning ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг ҳуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек унинг турмушидаги, таълим муассасидаги ва ишдаги хулқ-атворини албатта ҳисобга олиши лозим¹.

Эслатма. Шунинг барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғлик яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди².

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юбориш комиссиянинг илтимосномаси асосида чиқарилган жинорий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг ажрими бўйича амалга оширилиши мумкин³.

10. БОЛА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНДА

10.1. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) болани жиноят содир этганида қўлга олганда ёки бошқа хизматлар, жамоат тузилмалари томонидан келтирилганда, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф мураббийси ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

– жиноят содир этган бола хизмат хонасида ушлаб турилади ҳамда бу ҳақда маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар»ги қарорининг 23, 24, 27, 35, 39-бандлари.

²Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 41 б.

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 25-банди.

кўрсатилади. Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади;

– содир этилган жиноят ҳақида туман, шаҳар ички ишлар идораси навбатчилик қисмига ва тегишли раҳбарларга зудлик билан хабар беради;

– вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади¹;

– болани сўроқ қилиш орқали унинг жиноятни содир этиш сабаб ва шароитларини, унинг руҳий-эмоционал ҳолатини ва бошқа иш учун аҳамиятли маълумотларни аниқлаш чоралари кўрилади;

– боланинг жиноятни содир этишида катта ёшдагиларнинг таъсири, яъни боланинг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд бошқа катта ёшдаги шахслар томонидан жиноят содир этишга жалб этилганлиги ҳолатининг бор ёки йўқлиги аниқланади;

– содир этилган жиноят гувоҳлари ва жабрланувчиларни иш бўйича сўроқ қилади;

– содир этилган жиноят юзасидан зарур ҳужжатлар ва далилий ашёларни тезкор-тергов гуруҳига тақдим этади;

– ушланган вояга етмаган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига жойлаштирилади ҳамда катталардан алоҳида сақланади. Айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг рухсати билан катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади².

Эслатма. Бола жиноят содир этганда расмий органлар ўз фаолиятини, аввало, вояга етмаган болалар умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда холис ва адолатли ёндашув асосида амалга ошириши лозим³.

¹Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 286-м.

²Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. – 121-м.

³Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади¹.

10.2. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини юритиш жараёнида суриштирувчи ва терговчилар қуйидагиларни амалга оширадilar:

– дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, айблаш, ҳукм қилиш ва реабилитация учун асослардан ташқари, қуйидагиларни исботлашлари лозим:

а) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);

б) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;

в) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;

г) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги;

– вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячи иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради². Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур;

– вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш вақтида ҳимоячи билан бир қаторда хоҳишига кўра вояга етмаган шахснинг қонуний вакилининг иштирокини ҳам таъминлайди³;

– бола гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида сўроқ қилинганда ҳимоячининг иштирокини таъминлайди ҳамда ихтиёрий равишда бола қонуний вакилининг иштирок этишига шароит яратади;

– вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда эҳтиёждан келиб чиқиб, ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирокини таъминлайди;

¹Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. – 345-м.

²Ўша жойда, 270-б. – 550-м.

³Ўша жойда, 271-б. – 552-м.

– қуйидаги асослар мавжуд бўлганда муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш каби эҳтиёт чораларидан бирини қўллайди:

а) судланувчи бола суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш учун;

б) унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш учун;

в) унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик учун;

г) ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида, жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин бўлганда;

д) болани экспертизадан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилиши кутилаётганда, шунингдек ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликка чалиниб улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш мақсадида;

е) тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида¹.

– вояга етмаган шахсни ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси раҳбарларининг қаровига топширади. Бунда мазкур шахслардан биронтаси вояга етмаганнинг терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини, шунингдек айбланувчининг қонунда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришини таъминлаш масъулиятини ёзма равишда ўз зиммасига олади;

– эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, терговчининг прокурор санкция берган қарори ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин;

– вояга етмаган шахсга нисбатан фақат қонунда белгиланган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилади.

¹Ўша жойда. –236, 237-м.

Бола жамият учун катта хавф бўлмаган жиноят содир этганида терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилинганда, иш туман (шаҳар) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда кўриб чиқилади.

11. БОЛА САЛБИЙ МУҲИТДА ЎСИБ УЛҒАЯЁТГАНДА

11.1. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида ҳудуд профилактика инспектори) хизмат ҳудудида бола салбий муҳитда ўсиб улғаяётганини аниқлаганда, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси, мактаб маъмурияти ёки бошқа педагоглар билан бамаслаҳат ва ҳамкорликда:

– оилада фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи муҳитнинг ҳолатини, ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд бошқа катта ёшдагиларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш ишларини ташкил қилади ва олиб боради;

– боланинг салбий муҳитга тушиб қолганлиги ва ўсиб улғаяётганлигининг сабаб ва шароитларини, унинг соғлом турмуш тарзи кечиришига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

– вояга етмаган фарзандлари олдидаги бурчини бажармаётган, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни хизмат хонасига чақиртиради ҳамда уларнинг ИИБ раҳбарияти томонидан жамиятга зид хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида расмий огоҳлантирилишини ташкил қилади;

– фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига олади, яъни уларга нисбатан ҳисоб профилактик варақаси юритади ҳамда улар билан доимий равишда яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширади;

– боланинг маҳалла, мактаб ва иш жойида алоқа қилувчи яқин дўстлари, таниш-билишлари ва тенгдошлари, улар билан ўзаро муносабатларни аниқлайди, агарда улар томонидан бола ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилинаётган бўлса, ушбу салбий ҳолатларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўради;

– фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ноқобил ва нотинч оилаларда тарбияланаётган ёшларни ўрганиш, уларнинг

ўқишдан орқада қолмасликларига ёрдам бериш мақсадида маҳалладаги фаол ёшларни бириктириб, жамоат ишларига жалб этади;

– маҳалла, ўқув муассасалари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда ўз вазифаларини етарли даражада ёки умуман бажармаётган, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хулқ-атворини муҳокама этишни ташкиллаштиради ҳамда унда қатнашади;

– маҳаллий давлат органларига, ташкилотларга, вояга етмаганлар ишлайдиган ёки ўқийдиган жойлардаги маъмуриятга ҳамда ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иш жойларига вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисида ахборот ва хабарномалар беради, уларнинг сабаб ва шароитларини тезликда бартараф қилиш бўйича таклифлар киритади.

Эслатма. Қаровсиз қолган болаларнинг аксарияти нобоп оилалар фарзандларидир. Айрим оилалардаги кўпол муносабат, мактабда ўқиш иштиёқининг йўқолиши негизида ота-она билан бола ўртасида зиддиятнинг пайдо бўлиши, қариндош-уруғлари ва яқинлари ғамхўрлигидан маҳрум бўлиб, ўзининг кераксизлигини сезиши уларнинг ўз оиласига бегона бўлиб қолишига шарт-шароит яратади¹.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни профилактик ҳисобга олиш учун ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларининг қарори асос бўлади. Уларни профилактик ҳисобдан чиқариш эса туман, шаҳар ИИБ бошлиғи рухсати билан амалга оширилади.

11.2. Туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар бола салбий муҳитда ўсиб улғайишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширадilar:

– ишларни тайёрлаш ва қараб чиқиш пайтида вояга етмаган шахсларнинг ёши, машғулоти, яшаб турган ва тарбияланаётган шароити, боланинг нима сабабдан салбий муҳитга тушиб қолганлиги ва ўсиб улғаяётганлиги, унинг соғлом турмуш тарзи кечиришига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар, боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлайди;

¹Матчанов А.Б. Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилинишининг ҳуқуқий жиҳатлари // Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати: илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2006. – Б. 128.

– ишни қараб чиқиш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади, шунингдек комиссияда кўриладиган масалалар юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиради;

– мансабдор шахслар ва фуқаролар комиссия чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда, комиссия ишни кўришни қолдириб, уларни ўзлари ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият, жамоат ташкилотлари орқали келтириш чораларини кўради;

– иш кўришга тайёр деб топилгач, уни тайёрлаш вазифаси топширилган комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси иш қараб чиқилишидан олдин вояга етмаган шахсни, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларни, зарур ҳолларда эса тарбия муассасаларининг вакиллари билан материаллар билан таништириб чиқади, комиссия мажлисига кимларни чақириш кераклигини белгилаб олади ҳамда иш кўриладиган вақт ва жойни аниқлайди;

– ишни кўриб чиқиш асосида фарзандини салбий муҳитда тарбиялаётган, яъни болани тиламчилик, фоҳишалик, қимор ўйинлари, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлмаган, бироқ ақлий ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга жалб қилиб келаётган ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўришга қарор қабул қилади;

– комиссия ота-оналарнинг муомала лаёқатини чекланган деб топиш, ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, болаларни ўз ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан олиб кўйиш, шунингдек болаларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, шу болалари билан биргаликда яшашлари мумкин эмас деб топилган тақдирда, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисида туман (шаҳар) судига даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади¹.

¹Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 41 б.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕТОДИК ТАЛАБЛАРИ

БОЛАНИНГ ЭХТИЁЖИНИ ЎРГАНИШ ВА ҚОНДИРИШ

Қачонки боланинг эҳтиёжлари қондирилса, унда эмоционал эҳтиёж ва таъсир ривожланади, ўз ақлий эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Болаларга ижтимоийлашув кўникмаларини, меҳр-муҳаббат бера оладиган, севиш ва дўстлашишни ўргатадиган инсонлар керак. Ота-оналик боланинг нафақат овқат, сув, кийимга бўлган эҳтиёжини қондириш, балки унинг барча эҳтиёжларини қондиришни талаб этади. Ота-она мақсадининг самараси муваффақиятга эришиш ҳолати ҳисобланади, яъни боланинг барча паст даражадаги эҳтиёжлари қондирилса, у интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ривожланиши мумкин.

Психолог *Абрахам Маслоу* эҳтиёжлар иерархиясига асосланган инсон мотивация назариясини таклиф этган. Маслоу инсонлар юқори номзодга эришишни хоҳласалар қондирилиши шарт бўлган маълум бир эҳтиёжлар тўпламига эга бўлишлари зарурлигини исботлаган.

Инсон аввало юқори даражадаги эҳтиёжга эришишдан олдин ўзининг паст даражадаги эҳтиёжини қондириш зарурлигини таклиф этади. Бош-пана, овқат, уй-жой, ҳаво, иссиқлик, сув ва уйқу каби эҳтиёжлари қондирилмагунча, инсон ўзи ва ўз оиласи учун хавфсизлик, ҳимоя, барқарорликни таъминлай олмайди¹.

Боланинг ривожланишидаги эҳтиёжларни баҳолаш параметрлари

Болалар ривожланишидаги эҳтиёжларни баҳолашнинг ўзига хос тартиби Британия болалар департаменти томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда кўпгина давлатларда васийлик ва ҳомийлик органларига вакил бўлган муассасалар – болалар уйларида, таълим муассасаларида ташкил этилаётган ижтимоий-психологик ёрдам хизматларида қўлланиб келинмоқда.

¹ОЎМТ-ТДМИ-РБИММ-ЮНИСЕФ. Ўзбекистонда «Ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш дастурини ривожлантириш» лойиҳаси материаллари.– Т., 2008

Баҳолаш доираси



БОЛА ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ

Соғлиқ - боланинг соғлом ўсишга бўлган эҳтиёжлари. Боланинг ўсиши ва ривожланиши, жисмоний ва ақлий ҳолатини олади. Бундан ташқари боланинг наслий ёки турли хил бошқа озор берувчи омилларни ҳам инobatга олиш зарур. Бола касал бўлиб қолган бўлса, зарур тиббий муолажаларни олиши, мос ва тўлақонли овқатланиш тартиби, жисмоний талаблар, заруриятда ва ёш даврларида оладиган вакцинациялар, ривожланиши мобайнида тиббий кўрикдан ўтиб туриши, окулист ва дантист кўригида бўлиб туришини баҳолашни ўз ичига олади. Ёши каттароқ бўлган болаларга соғлиғига таъсир этувчи омиллар ҳақида суҳбат уюштириш орқали маслаҳатлар ва зарур маълумоларни бериш, шунингдек жинсий ривожланиш, жинсий маданият ва маълумот, турли хил зарарли воситалардан фойдаланишнинг зарарлари ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Таълим олиш – боланинг керакли билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжлари. Боланинг туғилганидан бошлаб, ақлий ривожланиши билан боғлиқ барча соҳаларни ўз ичига олади. Бошқа болалар билан ўйнаш ва мулоқотга киришиш учун зарур бўлган имкониятларнинг мавжудлигини ҳам инобатга олади, бунда китоблардан фойдалана олиш имконияти, бошқа ёшга хос бўлган эгалланиши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг эгалланганлиги, ютуқ ёки эришилган натижалар билан боғлиқ ҳис-туйғуларни кечира олиши эътиборга олинади. Шунингдек, ўз таркибига катталарнинг боланинг таълимий фаолияти, унинг тараққиёти ва эришган ютуқларига нисбатан қизиқишларини ҳам олади. Оилада шундай киши бўлиши керакки, токи у боланинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда, таълим олиши билан боғлиқ барча эҳтиёжларининг қондирилишига эътибор қарата олсин.

Ҳиссиётларнинг ривожланганлиги ва хулқнинг ривожланиши – бу боланинг ҳиссиётларини ва хулқини ривожлантириш борасидаги эҳтиёжлари. Ҳис-туйғулар ҳамда хатти-ҳаракатлар орқали боланинг намоён этаётган муносабати назарда тутилади. Дастлаб, катталарнинг ёки ота-онанинг, яқин инсонларнинг иштирокидаги ҳолати, кейин эса бола катта бўлиб борган сари нотаниш кишиларнинг олдида ўзини тута олишига эътибор қаратилади. Ўз ичига илк боғланганликнинг табиати ва фазилатларини, темпераментининг алоҳида тафсилотларини, турли хил ўзгарувчан шароитларга мослаша олиш имкониятини, стрессга нисбатан жавоб реакцияси ва ўзини назорат қила олиш даражасини олади.

Шахс хусусиятлари, идентификация (мансублик) – боланинг шахсий ва идентификацион хусусиятларга эга бўлиш эҳтиёжлари. Болада шаклланаётган шахсий индивидуалликка хос бўлган ва алоҳида бир бутун ҳамда кадрли инсонлигини ҳис қила олишини ўрганади. У ўз ичига қуйидагиларни олади: боланинг ўзига ва қобилиятларига нисбатан муносабатини, ўз образини қандай тасаввур қилиши ва ўзини қандай баҳолаши, ўзига нисбатан ижобий баҳонинг мавжудлиги. Бунга шунингдек ирқий, диний мансублилигини, жинси ва сексуаллиги, ёши, чегараланган имкониятларини ҳам киритиш мумкин. Оилага мансублилик ҳисси, оила, тенгдошлари гуруҳи ва жамият томонидан қабул қилиниши (маданий мансублик ҳам) билан боғлиқ ҳис-туйғулар шахс хусусиятлари ва идентификациясига киради.

Оила ва ижтимоий ўзаро муносабатлар – боланинг оилага ва ижтимоий муносабатларга бўлган эҳтиёжи. Эмпатиянинг (хайрихоҳлик,

ҳамдардлик) ҳамда бошқа инсоннинг ўрнига кўя олиш имкониятининг ривожланиши. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи кишилар, ака-укалар, опа-сингиллар, яқин қариндошлар, кўни-қўшнилар билан муқим ва ҳиссий илиқ шахслараро муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги, тенгдошлар ҳамда бола учун қадрли бўлган бошқа инсонлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишининг аҳамиятини, шунингдек ўша инсонларнинг болага нисбатан муносабатини ҳам инобатга олиш

Ижтимоий ўзини намоён қила олиш – боланинг ижтимоий жиҳатдан ўзини намоён қила олишга бўлган эҳтиёжи. Ўз ичига ташқи кўриниш, хулқ ёки камчиликлар ташқи олам томонидан қандай қабул қилаётганлиги инобатга олинади ҳамда у ҳақидаги тасаввурлар қай тарзда ҳосил бўлаётганлигига ҳам эътибор қаратилади. Шунингдек бош-кийимининг боланинг ёши, жинси, диний эътиқодига мослиги, озодалик ва шахсий гигиена, катталар ёки ота-оналар (ё улар ўрнини босувчи кишилар) маслаҳатига эътибор бериши ёки «қулоқ солиши», турли шароитларда ўзини тута билиши кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзига хизмат кўрсата олиши кўникмалари – боланинг ўзига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган малака ва тажрибаларга эга бўлиш эҳтиёжи. Бунда боланинг ўсиб бораётган мустақилликка монанд равишда амалий, эмоционал ва мулоқотчанлик кўникмаларини ўзлаштира олиш қобилияти ва имкониятига эътибор қаратилади. Ўз ичига қуйидагиларни олади: кийиниш, овқатни ея олиш каби амалий кўникмаларни бажара олиши, ўзида ишонч ҳосил қила олиш имконияти, оиладан ташқарида, яъни улардан алоҳида яшаш давомида амалий кўникмаларидан фойдалана олишига нисбатан ишончи, катта болалар учун эса оиласидан алоҳида ўз ҳаётини қуриб яшай олиш имконияти.

Вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал қила олиш кўникмаларини эгаллай олиш имкониятига ҳам эътибор қаратилади. Алоҳида эътиборни боладаги жисмоний имкониятларининг чегараланганлиги унга таъсир кўрсатиши ёки ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ижтимоий шароитларнинг яратилганлигига қаратилиши лозим.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛА ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРА ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ота-оналар бола эҳтиёжларини қондириш жараёнида қуйидагиларни таъминлашлари талаб қилинади:

– **асосий эътиборни болага қаратиш** - бола тўғрисидаги асосий эътибор (асосий эҳтиёжларининг қондирилиши – овқатланиш, яшаш жойи, кийим, тиббий ва стоматологик ёрдамнинг кўрсатилиши);

– **хотиржамлигини таъминлаш** - боланинг бежавотирлиги/осойишталигини таъминлаш (болага хавф солувчи омиллар, оилавий муносабатларнинг хавотирлилик ҳамда боланинг ҳимояга муҳтожлик даражаси ва ҳ.к);

– **ҳиссий илиқлик** - оилавий муносабатлар тавсифи, ота-она ва фарзанд ўртасидаги ҳиссий боғланганлик, боланинг атрофдаги бошқа кишилар билан ҳиссий боғлана олиш имконияти ва ҳ.к.

– **ҳиссий боғланганлик ва унинг бола ҳаётидаги аҳамияти** - *ҳиссий боғланганлик* – бу масофадан ва вақтдан қатъи назар, икки инсон ўртасидаги илиқ муносабат.

Ҳиссий боғланганлик бизга туғилган заҳотиёқ, шунингдек илк ёшлик даврида берилади ва катта бўлгунимизча таъсир этади. Агар ота-оналар болалар туғилгандан уларнинг ишончларини оқламасалар, сиз уни шундайлигича қабул қилинг, бунда сиз катта муаммони кўрмайсиз, фақат ўзингиз бошқа одамларга панд бериб қўймасангиз бўлди.

Ҳиссий боғланганлик болани қуйидаги ривожланиши учун келгусида самарали асос бўлади:

интеллектуал – бола янги нарсани ўрганишда ва изланишда ўзига нисбатан ишончли ҳис этади;

эмоционал – «мен буни ўзимда ҳис этганман, агар ота-онамни ташлаб кетсам, улар келишади ва мен билан бирга бўлишади. Улар менга вақт ажратадилар, меҳр-муҳаббатларини намоён этадилар, мен ҳақимда қайғурадилар ва барча ишларим билан: мен нима қиляпман, нима ҳақида гапиряпман қизиқадилар»;

жисмоний – овқат, кийим-бош, бош-пана, боланинг барча асосий эҳтиёжлари. Жисмоний хавотирсизлик ва ота-оналар томонидан ишончлилик, яъни доимий жисмоний эҳтиёжни таъминлайди. Ёш болалар онасини визуал ўргангунига қадар ҳидига ва овозига эътибор қаратади;

ижтимоий – оилада, ўз уйида нималарга ўргангани жамиятдаги хулқи ва бошқалар билан муносабатини англатади. Болалар ҳар куни ўз оиласида нимани кўrsa кузатади, тақлид қилади ва таҳлил этади. Жамоада ўзини қандай тутиш, ижтимоий меъёр оилада шаклланади. Шундай экан, бола бошланғич билимларни оилада эгаллайди, кейинчалик бола боғчада, мактабда, дўстлари ва бошқа оилалар билан мулоқот қилганда билимлар ривожланади.

- **ривожланиш** - боланинг билимга бўлган қизиқишини қондириш ва ақлий ривожланиши учун имкониятлар ярата олиш;
- **хулқини бошқариш ва меъёрий талаблар** - бола хулқини бошқара олиш ва унинг хатти-ҳаракатларини чегаралай олиш;
- **бир маромлилик** - оилавий муносабатларнинг бир маромда кечишини таъминлай олиш.

ОИЛА ВА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИ

Бола эҳтиёжларини қондиришда оила ва ташқи муҳит омилларини ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Оилавий тузилма - оила тарихи (шажара, оилавий кадриятлар, одатлар, оила таркиби, оиладаги шахсларнинг ўзаро муносабати тузилиши ва хусусияти ва ҳ.к).

Боланинг қариндошлари ва яқинлари - қариндош ва яқинлари ҳамда уларнинг бола эҳтиёжини қондиришдаги ўрни.

Уй-жой – оиланинг яшаш шароити, мулки, бола учун алоҳида хонанинг мавжудлиги, шахсий буюмлари ва ҳ.к.

Иш – оила аъзоларининг ишлаши ёки бандлиги ҳақидаги маълумотлар, бола билан шуғуллана олиш давомийлиги (ким ишлайди, кун тартиби).

Даромад – оиланинг даромади, унда болани кийим-бош, ўйинчоқлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, қўшимча таълимни ташкиллаштириш учун имкониятнинг мавжудлиги.

Ижтимоий интеграция - оиланинг ижтимоий алоқаси (қўшнилар, танишлар, боланинг мулоқот доираси ва ҳ.к).

Маҳаллий ресурслар - яшаш жойидаги ресурслар (таълим, тиббий, маданий муассасаларнинг жойлашуви, транспорт ва ҳ.к).

Мазкур маълумотларни бир тизимга солиш ва улар асосида кейинги режани тузиш бола билан ишловчи мутахассиснинг масъуллиги остида амалга оширилади. Васийлик ва ҳомийлик органи болага кўрсатилиши лозим бўлган ёрдам тури ва ҳуқуқларини ҳимоялашнинг шакли ҳамда аралашув даражасини белгилашда юқорида келтирилган ўрганиш натижасидаги маълумотлар тўплами асосида тайёрланган хулосага таянади.

Болаларни ўрганиш давомида инобатга олиниши лозим бўлган тамойиллар:

- болалар манфаати;
- боланинг ривожланиш хусусиятига асосланиш;
- имкониятлар бирлигини таъминлаш;

- бола ва унинг оила аъзоларини фаол иштирок этишга жалб қилиш;
- оиланинг нафақат кучли томонлари, балки кучсиз томонларининг ҳам инобатга олинishi;
- ташкилотлараро ҳамкорлик;
- алоҳида бир тадбир сифатида эмас, балки узок давомийликка эга бўлган жараён тарзида қараш;
- аниқ маълумотларга суяниш.

Болани самарали тарзда ҳимоялаш учун қуйидагилар инобатга олинishi лозим:

- бирламчи баҳолашни жуда тезкорлик билан олиб бориш;
- бир йўла иш режасини белгилаб олиш;
- бирламчи баҳолаш ва тўлиқ ўрганишни бошлаш;
- иш олиб бориш режаси муҳокама қилинганидан 15 кун ўтгач дастлабки йиғилишни ўтказиш;
- бирламчи баҳолаш якунлари бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилиши биринчи йиғилишдан кейин 10 кун ўтгач ўтказиш.

Бирламчи баҳолаш якунлари натижасида қуйидагилар белгиланиши лозим:

- боланинг ёрдамга ёки васийликка, бошқа оилага тарбияга беришга муҳтожлиги;
- асосий муаммолар;
- эҳтиёжлар ҳамда оила ва боланинг кучли томонлари;
- ота-онанинг бола эҳтиёжини қондира олишга қодирлиги;
- қандай аралашув ва ёрдам турлари кўрсатилиши;
- янада чуқурлаштирилган ва атрофлича баҳолашнинг зарурияти.

Баҳолашнинг якуний натижаси қуйидагиларда акс этиши лозим:

- бола эҳтиёжи ва бу эҳтиёжларнинг ота-она томонидан ўз оилаларида қондира олиш имкониятлари таҳлили;
- бола ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида аралашув зарурияти ҳақида хулоса;
- масъул шахс, ташкилотнинг тадбирларни амалга ошириш (кўрсатиладиган аниқ ёрдам турлари) давомийлиги кўрсатилган аниқ ҳаракат режаси.

БОЛА БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ЭТИКАСИ

Бола билан мулоқот қилиш этикаси ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан:

– ўсмирнинг қай даражада ижтимоийлашганлигини аниқлаш учун, у билан фақатгина табиий, ишончли муносабатларни ўрнатиш зарур. Ўсмирнинг ҳаётида ушбу муносабатларнинг пайдо бўлиши унинг вазиятининг ўзгаришига, шу билан бир қаторда унинг ресоциализацияси – тикланиши ва бошқа алоқаларни кўрсатиши мумкин;

– суҳбат олиб борилаётган боланинг ҳиссий ҳолатини ҳис қила билиш. Масалан, болага жароҳат етказиши мумкин бўлган шаклда маълумотни қабул қилмаслик;

– болаларга нисбатан чуқур қизиқиш ва бунинг оқибати сифатида улар билан муносабатда чидамлилиқ;

– боланинг интилишлари ва хулқ-атворини ҳис қила билиш, ўзининг болаликдаги тажрибасига таянган ҳолда, уни ўзидек қабул қила олиш қобилияти;

– болалар ва ўсмирлар хулқи билан боғлиқ билимларга эга бўлиш: боланинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини билиш; хулқ-атворнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш; мос ижтимоий таъсир орқали характернинг турли қирралари ва хулқ-атвор моделларини таққослай олиш маҳорати;

– агар боланинг жамият билан (оила, мактаб ва б.) алоқалари бузилган бўлса, у билан алоқа ўрнатишнинг биргина усули – у яшаётган муҳит, яъни кўча.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ СИФАТЛАР

Баъзи бир инсоний сифатлар самарали шахслараро муносабатларни қуришнинг зарур шароитларидан ҳисобланади. Зарур бўлган сифатларнинг асосий гуруҳини қуйидагилар ташкил этади:

– муносабатлардаги илиқлик;

– очикчилиқ;

– эмпатия;

– ўзга кишиларга нисбатан ижобий муносабат.

Бу шахсий сифатлар «малака» бўлиб ҳисобланмайди, лекин малакалардан ўринли ва диққат ҳамда эътибор билан унумли фойдаланишни таъминлайди. Улар кишилар орасидаги барча муносабатлар заминида мавжуд бўлиб, ўз самарадорлигига эга бўлади. Шахслараро муносабат малакаларига ўргатиш ишини шу тушунча

билан боғлиқ бўлган установка ва шахсий сифатлар тушунчасини муҳокама қилмай туриб бошлаб бўлмайди.

Муносабатлардаги илиқлик

Кенгюрак инсон учун ўзга кишилар билан мулоқотга киришиш совуқ муносабатли одамларга қараганда анча осонроқдир. *Кенгюрак деганда, одатда вояга етмаганга нисбатан илиқ муносабатда бўладиган ва у учун ишонч уйғота оладиган қобилиятли инсон тушунилади.* «Муносабатлардаги илиқлик» тушунчаси кейинги тасдиқларни ҳам ўз ичига олади:

- мулоқотдаги ҳар икки томон ҳуқуқларининг тенглиги;
- айбловларнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзини ҳимояловчи позициядан холилик;
- яқинлик.

Муносабатлардаги илиқлик — бу бир вақтнинг ўзида алоҳида турдаги тафаккур ҳамда малакадир. Эҳтимол, бу ҳатто ўзининг олдида ҳам ростгўй бўлиш ҳамда ўзга кишилар билан очиқ мулоқотга кириша олишга тайёрлик қобилиятида намоён бўлувчи малакадир. Шундай қилиб, мазкур тушунчанинг асосий таркиби бу *ўзга кишига нисбатан тенгҳуқуқли муносабатда бўлиш*дир.

Илиқлик доимо мутахассисдан келиб чиқиши керак. Бироқ бу муносабат қарама-қарши томондан ҳам худди шундай тарздаги муносабат асосидаги жавобга эга бўлиши керак, дегани эмас. Агар биз бирор-бир кишига касбий ёрдамимизни кўрсатаётган бўлсак, биз албатта ушбу инсонга нисбатан доимо илиқ муносабатни намоён қилишимиз зарур. Бироқ биз у одамдан ҳам шу тариқа муносабатни кутишимиз керак эмас. Дўстона муносабатлардан фарқли равишда касбий муносабатларда бу у даражада аҳамиятга эга бўлган заруриятлардан эмас.

Очиқлик

Очиқлик бу ҳам касбий муносабатларнинг эътиборга молик томонидир. Бу ерда барчаси аниқ ва тушунарли бўлса керак: биз ёки рўпарамизда турган одам билан чин дилдан қизиқишимиз ёки аксинча қизиқмаслигимиз мумкин. Касбий қизиқиш доимо мутахассиснинг шахсий қизиқиши доирасидан келиб чиқади ва уни юзаки тарзда намоён қилиб бўлмайди. Ўз касбининг ҳақиқий устаси ҳар қандай вақтда ҳам ўз мижози ҳақида қайғуриб, унга қўлдан келганича чин дилдан ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Бундай муносабатлар ривожланишига ёрдам берувчи турли воситаларни қўллаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Ҳеч нарса чин

дилдан муносабатда бўлишда ҳалақит бермайди ва у доимо инсоннинг онгли ташаббуси ҳамда маъсулияти остида кечиши, шу билан бирга бўлиб ўтаётган ҳодисалар учун жавобгарликни ҳис этиши лозим.

Эҳтимол, баъзи инсонлар учун самимий бўлиш бу у ёки бу касбий ролни юқори даражадаги усталик билан бажаришдан иборат деган тушунча билан талқин этилиши мумкин. Бошқа томондан, яхши мутахассис бу ҳар бир соҳада самимийлик билан ўз фаолиятини юргизувчи, лекин шу билан бирга бу хусусиятни ўзга кишилар олдида ҳам самимийлик билан намоиш қила билувчи шахс ҳамдир.

Хайрихоҳлик

Ўзгаларни тушуна билиш учун бошқа кишиларга нисбатан хайрихоҳлик билан муносабатда бўла олиш қобилиятига эга бўлишимиз керак. *Хайрихоҳлик бу ўзга инсоннинг идроки дунёсига кира билишдир, яъни уни ўзга кишилар қай тарзда кўраётган бўлса, шу тарзда кўра олишдир.* **Келиш** (Kalisch, 1971) эмпатия – хайрихоҳликни «*ўзга киши ҳис-туйғусини хатосиз кўра билиш ва ҳис қила олиш ҳамда шу инсонга бу ҳақида тушунтириб бера билиш қобилиятидир*» деб тушунтиради.

Ҳамдардлик бу хайрихоҳ бўлиш дегани эмас. Ҳамдарлик ўзга кишига нисбатан «рахм» уйғонишини назарда тутаяди. Эҳтимол, бу инсон ўзи ҳис этаётган туйғуларни ўзга кишиларда кўришга қаратилгандир. Инсон ўзга кишига ҳамдард бўлганда, у ўзини шу инсон ўрнига қўйишга ҳаракат қилади. Хайрихоҳлик билдириб эса, биз ўзимизни шу инсон ўрнида ҳис қилишга ва у ҳис этаётган туйғуларни тасаввур қила олишга ҳаракат қиламиз.

Шартсиз ижобий муносабат

Психолог **Карл Роджерс** бу тушунчани «ўзга инсонларнинг қадриятларини тан олиш» ёки шунчаки ўзга инсонни «қабул қилиш» сифатида тушунтиради. Демак, тахмин этилишича, *вояга етмаган бу ўз қадриятларига эга бўлган ва ўзининг мавжудлиги ўзича қадрли бўлган инсондир.* «Шартсиз» сўзи деганда асосан, инсонга нисбатан алоҳида мотивация талаб этилмайдиган табиий муносабат тушунилади. Роджерснинг таъкидлашича, мутахассисда вояга етмаганга нисбатан пайдо бўладиган ҳис-туйғу кутилиш ёки қандайдир талаблар билан шартли бўлиб қолмаслиги катта аҳамиятга эга.

Табиий муносабат хатар гуруҳидаги оила ва болалар билан ишловчи ходимлар учун бошқа касб эгаларига қараганда, шубҳасиз катта аҳамиятга эга бўлган муносабатдир.

Шартсиз ижобий муносабатга қандай қилиб ўргатиш мумкин?

Гоҳида ўзга кишиларни муҳокама қилмасликда бизга ўзимизни аслида қандай бўлсак шу тарзда қабул қилишга нисбатан интилишимиз ёрдам беради. Ҳал қилинмаган кўпгина муаммоларга эга бўлганимизда, ҳеч қийинчиликларсиз ва ўта кучли интилиш билан биз ўзга кишиларни муҳокама қиламиз. *Шуниси ҳам аниқки, биз ўзимиз эга бўлган муаммоларимизни англамаган ҳолларимизда кўпинча ўзгаларни муҳокама қилиш ва айблашга интиламиз.* Шунинг учун ўзгаларга нисбатан шартсиз ижобий муносабатда бўлишга ўргатишнинг асосий йўл ва воситаларидан бири бу ўзимизни англай олиш қобилиятимизни ривожлантиришидир. Биз ўзимизнинг муаммоларимизни тўлиқ равишда ҳал қила олмаган бир вақтда мутахассис сифатида ўз муаммоларимиз устида ўйлаб кўришимиз ва ўзимизга бу ҳақида ҳисоб бериб боришимиз маъқул бўлар эди.

Шартсиз ижобий муносабат бу ҳар қандай инсонларга хос бўлган қадриятлар тизими ва унинг шахси хусусиятлари ёрқин намоён бўладиган сифатлардандир. Табиийки биз барча инсонларга бир хил даражада илиқ ва шартсиз ижобий муносабатда бўла олмаемиз. Баъзида шундай бўладики, баъзи одамлар шунчаки бизга ёқмайдилар. Гоҳида эса ижобий муносабатни намоён этиш билан самимий бўлишга интилиш орасида зиддият пайдо бўлиши мумкин. Бир томондан, ўзимизнинг мавжуд феъл-атворимиздан воз кечиб, ўзлигимизни намоён қила олиш имкониятига эга бўлмасак, иккинчи томондан, биз барча инсонларга ҳам бир хил муносабатда бўла олмаемиз.

ЭШИТА БИЛИШ

Тинглаш – суҳбатдошга шунчаки ўз эътиборини қаратиш эмас, балки ўзини ҳақиқатан ҳам уни тинглаб, тўғри тушунаётганлигингизга ишонч ҳосил қилиши учун ҳаракат қилиш.

1. Тинглаётган боланинг рўпарасига ўтиринг. Болани ҳақиқатан ҳам тўлиқ тинглашингиз учун, уни албатта кўриб туришингиз керак. Бундан ташқари, у ҳам сизни кўриб туриши лозим. Шунинг учун ҳамсуҳбатни тинглаб туриб, унинг ёнида эмас, балки рўпарасида ўтириш мақсадга мувофиқдир. Энг асосийси – ҳамсуҳбатлар бир-бирининг юзини кўриб туриши лозим.

2. Очиқ бўлинг. Чалиштириб турилган оёқ ва қўллар ўз ўрнида ҳимояланувчи позициядан далолатдир. Яхшиси, қулайроқ ўтириб олиб, қўл ва оёқларни чалиштирмай, ўзингизни эркин тутиб ўтирганингиз маъқул.

3. Тинглаётган болангиз томонига бироз оғиб ўтирганингиз маъқул. Бундай ҳаракат, одатда, суҳбатдошда сизнинг унга, унинг

муаммоларига нисбатан чин дилдан муносабатда бўлаётганингиздан ҳамда бу масалага нисбатан қизиқишингиз даражасидан далолат беради. Бироқ бу ўринда сизнинг бу ҳаракатингиз суҳбатдошда ноқулайлиқ ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келмаслигига ҳам эътибор бериш керак.

4. Нигоҳли алоқани сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Нигоҳ – бу шахслараро мулоқотнинг аҳамиятли воситаларидан. Шунинг учун доимо нигоҳингиз ва қарашингизнинг суҳбатдош учун йўналтирилганлиги ва унинг кўриши учун қулайлигига эътибор бериш лозим.

5. Болани тинглаб туриб, ўзингизни эркин тутинг. Тинглаш – бу суҳбатдошингиз томонидан айтилган охириги сўзларни қайтариш дегани эмас. Сизга керакли бўлган энг асосийси – бу фақатгина тинглаш. Ўзини эркин тутаётган тингловчи ўз ўрнида ўзга киши нутқининг ҳақиқатан ҳам тингловчи томонидан тингланилаётганини ҳис этиши ва бу билан ўзини янада эркин ҳис этишига ёрдам беради.

Тинглай билиш доимо самарали маслаҳатларнинг асоси бўлиб хизмат қилади, шу жиҳатдан шахслараро муносабатларнинг ҳам. Агар мутахассис ўзида тинглай олиш қобилиятини ривожлантира олса, у тақдирда бошқа мулоқотчанлик малакалари ривожланиши ҳам содир бўлади. Бироқ суҳбатдошни тинглаш воқеа ва ҳодисаларнинг механик кетма-кетлигини талаб этмайди. Биз нафақат тинглашимиз, шу билан бирга, шундай тутишимиз лозимки, суҳбатдош ўзини ўз ишини бажарувчи профилактика инспектори ёки маҳалла маслаҳатчиси олдида эмас, балки ўзининг яқин кишиси олдида ўтиргандек ҳис қила олишига ёрдам беришимиз керак.

«ЯХШИ» ВА «ЁМОН» ТИНГЛОВЧИ

Яхши тингловчи белгилари

1. Болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга ҳаракат қилади. Уни муҳокама қилмасликка ва ўзи истаганича ўзгартирмасликка интилади.

2. У билан илиқ, табиий ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлади.

3. Ўзининг нутқи билан завқланиб ўтирмасдан, суҳбатдош ёки боланинг фикрини диққат билан тинглайди.

4. Бир вақтнинг ўзида бола ҳақида барча маълумотларга эга бўлишга интилмайди, балки самарали мулоқот ва иш учун фойдали бўлган маълумотларнинг ўзидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

5. Боланинг ҳис-туйғуси ва фикрларини акс эттиради.

6. Боланинг фикри бўлинганда ёки вақтинчалик сукунатга тушганда, шунингдек фикрларини пухта ўйлаб олиш учун имкон беради.

Ёмон тингловчи белгилари

1. Ноўрин саволлар билан боланинг фикрларини бўлаверади.

2. Боланинг эҳтиёжларига эътибор бермасдан, суҳбат мавзусини ўзгартираверади.

3. Боланинг нима ҳақида гапираётганини тинглаш ўрнига, бола қандай қилиб ва нима деб жавоб беришини ўйлайди.

4. Ҳамкорликда жавоб қидириш ўрнига маслаҳатлар беради.

5. Болани бошқаларга ўхшатган тарзда вазиятни умумлаштиради.

6. Тезкор хулосаларга келади ва болани фикри ҳамда нутқини доим бўлиб туради.

7. Болани тинглашда давом этиш ўрнига, унинг муаммосини ўзи ҳал қилишга ҳаракат қилади.

8. Бола билан суҳбатлашиш вақтида ўзининг муаммолари ва хулосалари ҳақида ўйлайди.

9. Барча пайдо бўлаётган сукунатларни тўлдиришни ўзининг бурчи деб билади.

10. Боланинг саволларига бефарқлик билан қарайди.

11. Бола муаммосини ўринсиз ёки арзимаган нарса деб баҳолаб, унинг ҳис-туйғуларига эътибор ҳам бермайди.

12. Боланинг ҳис-туйғуларига эътибор бермай, фақатгина уни овунтиришга ҳаракат қилади.

Болалар билан ишлайдиган ходим қандай сифатларга эга бўлиши керак:

1) инсонларнинг индивидуал хусусиятларини баҳоламаслик муносабатида бўлиш;

2) болаларнинг эмоционал ҳолатига сезгирлик билан ёндашиш;

3) эгилувчанлик (эгилувчанликка мос кўрсаткич) – тўсиқлардан енгил ўта олиш, бир мавзудан иккинчи мавзуга енгил ўтиш;

4) эмоционал босиқлик ва сабрлилик – боладаги хавотирликни бартараф эта олиш, тинчлантириш, эмоционал босиқлик ва сабрлилик қобилятига эга бўлиш;

5) умумий маданият хулқини қўллаб-қувватлаш;

6) ўз хулқи йўналишини охиригача жойлаштира олиш – вазиятнинг конструктивлигини болага юкламасдан, унинг шахс

сифатида ўсишига тўсиқлик қилмасдан, берилган мавзу бўйича суҳбатга қайтиш;

7) ўсмир ва болалар хулқи соҳасида билимларнинг мавжудлиги – шахс ривожланиши ва қонуниятлари, ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақидаги билимларни эгаллаш;

8) ҳаёти давомида шахс бўлиб ривожланиши учун имкониятларни тан олиш. Бола ҳаётидаги юқоридаги вазият унинг табиатдан ёмонлиги учун эмас, балки ҳаётини вазиятга мос келмайдиган шароитда ўсганлиги сабаблидир. Ҳар қандай ёшда унинг хулқи ва характер қирраларини ижобий шакллантириш, сақлаш имконияти мавжуд. Болага чуқур қизиқишни намоён этиш;

9) бола хулқи ва тайёргарлик даражасига сезгирлик ўз болалик тажрибасига мурожаат этган ҳолда амалга ошириш;

10) бола ҳуқуқини ҳурмат қилиш, ўз муаммоларидек ҳал этиш ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти;

11) ўз туйғуларини таҳлил этиши, билиши, белгилаши ва салбий томонларини камситмасдан балки уларни тўғрилаш лозим. Фақат шундай ҳоллардагина у ўз хулқини назорат қила олади;

12) ўзини ўзи англашни ўстириш. Мутахассис ўзи ҳақида қанча кўп билса, у ким билан ишлаётганлигини яхши билади;

13) кучли ўхшашлик – ўз ички позициясига эга бўлиш, бошқа инсонларга нисбатан оддий умид акс эттириш¹.

САВОЛЛАР

Шубҳасиз, суҳбат ўтказаетганда болага саволлар бериш катта аҳамиятга эга, лекин саволларни тузаётганда жуда эҳтиёткор бўлишимиз керак. Саволлар аниқловчи характерга эгадир. Биз эса айни вақтда бола жим бўлиб қолмаслиги ва ўзини сўровга тугилаётган судланувчидек ҳис қилмаслигини истаймиз. Саволлар у ёки бу даражада ойдинлаштирувчи бўлиши мумкин. Бу уни қай тарзда беришимизга боғлиқ.

Очиқ саволлар – кенг ва атрофлича жавоб берилишини назарда тутуди.

Ёпиқ саволлар эса «ҳа», «йўқ» дейилиши ёки рақам кўрсатилишини назарда тутувчи саволлардир.

¹«Болалар билан ишлайдиганлар учун касбий маслаҳат бўйича қўлланма» МХТ дан мослаштирилган.

Саволларнинг бошқа учинчи тури ҳам мавжудки, бунда – «нима учун?» каби савол билан мувожаат этишимиз тушунилади. Очик саволлар болани диалогни давом эттиришга йўналтиради. Болага суҳбатнинг бошланғич қисмини назорат қилиш имкониятини беришимиз мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан очик саволларни кўпроқ бериб, ёпиқ саволларни чегаралашимиз катта аҳамиятга эга.

Ёпиқ саволлар

Ёпиқ савол – бу бир хил мураккабликка эга бўлган вариант жавобларни тақозо этадиган савол тури («ҳа», «йўқ» ёки бошқа турдаги жавоб). Ёки бўлмаса, бу шундай саволки, маслаҳатчининг ўзи савол бера туриб, олдиндан жавоб мазмунини англаб туради. Ёпиқ саволларга қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин: Сиз қаерда ўқийсиз? Ота-онангиз борми? Ота-онангиз билан бир уйда яшайсизми?

Бироқ суҳбат давомида ёпиқ турдаги саволлардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиш суҳбатни сўроққа айлантириб юбориши мумкин! Ёпиқ саволлар, одатда, боланинг шахсий ташаббускорлиги йўқолишига ва бунинг натижасида ўзи ҳақида гапириб бериш истагининг сўнишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, барча юзага келаётган муносабатлар юзасидан маъсулият деярли бола зиммасига юклатилади.

Одатда, бундай саволларга жавоблар битта сўздан иборат бўлади ва орада жимлик ҳосил бўлади. Чунки бунда бола кейинги саволни кутади. Бундай саволлар «Сизчи...», «Сиз.....мисиз?», «Сиз....қилаяпсизми?», «Қанча?» сўзларидан бошланади. Масалан, «Сиз ўз ота-онангизга нималар бўлиб ўтганини айтиб бердингизми?» ёки «Ака ва сингилларингиз нечта?».

Бу тарздаги саволлар болага ёрдам бера олмайди. Аксинча, улар «суҳбат эшигини» очиш ўрнига, ёпиб қўяди. Бола билан суҳбатлаша туриб, биз уни ўзини ўрганишга ундаймиз. Агар биз боланинг ўзини ўргана олишига ишонч ҳосил қила олсак, у ўз танлови ва қарорини ҳис қила олиши ҳам лозим. Натижада ҳаракат қилиш ва қандайдир ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги охирги қарорни ўзи чиқариши керак. Буни ўзи исташи лозим. Болани бундай қарорни чиқаришга олиб келувчи йўлни бола ижодий ёндошган тарзда, ўзигина босиб ўтиши керак¹.

Очик саволлар

¹«Навыки общения для социальных работников. Руководство для тренера» қўлланмасидан мослаштирилган. ЮНИСЕФ, Қозоғистон, 2006.

Очиқ саволлар – мураккабликка эга бўлган жавоб берилишини эмас, балки мазмунли жавобни назарда тутувчи савол тури. Суҳбат олиб борувчига бу вазиятда биров қийин бўлиши мумкин. Чунки у бериладиган жавобни олдиндан кўра билмайди. Масалан: «Бу воқеа содир бўлган вақтда, сиз нима билан банд эдингиз? Шу пайтда сиз нимани ҳис этдингиз? Ҳозир эса нима деб ўйлайсиз? Сизнингча, энди нима содир бўлиши мумкин?» Одатда, бундай саволлар «Нима...», «...қилишим мумкинми?», «...қила олмайсизми...» ёки «Қандай қилиб...» каби сўзлар билан бошланади.

Шунинг учун «Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?» ёки «Ўзингизнинг оилангиз ҳақида гапириб бера олмайсизми?» каби саволлар очиқ турдаги саволларга яхши мисол бўла олади. Албатта, берилаётган савол муҳокама қилинаётган мавзу доирасида бўлиши керак. Шунинг учун агар бола ўзини ёлғиз ҳис қилаётгани, зерикаётгани ёки ўзини босим остидагидек ҳис этаётганини айтса, ундай ҳолда «Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?» каби саволни бериш ўринлидир.

Бироқ бола онасининг ўлиmidан сўнг кечаётган азияти ҳақида гапираётган бўлса, бундай ҳолда бу тариқа савол беришнинг ўрни эмас.

Очиқ саволлар болага ўз фикрини аниқроқ баён этишга ёки давом эттиришга, шунингдек у ёки бу муаммога киришишига ёрдам беради. Суҳбат давомида бу тарздаги саволлар ёпиқ турдаги саволлардан кўра анча фойдалидир. Улар батафсил ва ҳар томонлама тушунтирувчи жавобларни юзага келтиради ва ёпиқ турдаги саволлардан фарқли ўлароқ, баҳоловчи ва талқин этувчи муносабатдаги жавоблар сонини кескин камайтиради. Бироқ мутахассис очиқ саволлар бера туриб, интервенция тавсифига ҳам эътибор бериши ва риоя қилиши зарур. Масалан, у боланинг шахсияти ёки ёқимсиз хотираларини қўзғатувчи саволлар сонини жуда ҳам кўпайтириб юбориши мумкин. Ҳар бир бериладиган саволнинг ўз ўрни ва қулай вазияти бор.

Бола билан ўзаро мулоқот давомида юзага келадиган саволлар турли мақсадларни ўз ичига олиши мумкин. Асосий саволлар тарзида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Аниқлаштириш: «Кечирасиз, айтишингиз бўйича, сиз уйдан кетишингиз керак, шундайми, ёки ҳали охириги қарорга келмадингизми, ишончингиз комил эмасми?»; «Кейин сиз нима дедингиз?»

Болани гапириб бераётганларини давом эттиришга *стимуллаштириш:* «Бу ҳақда яна ҳам батафсилроқ гапириб бера олмайсизми?»; «Бундай вазиятда сизда қандай ҳислар пайдо бўлади?»

Қўшимча маълумотни олиш: «Оилада нечта фарзандсиз?»; «Дарслар тугагач нима билан шуғулланасиз?»
Тадқиқ қилиш: «Яна нима бўлиб ўтди?»

БОЛА БИЛАН ИШЛАШДА ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАР ВА ХАТОЛАР

Сухбат вақтида нимадан қочиш керак?

1. Болага нисбатан шахсий мурожаатнинг йўқлиги. Бу жуда катта масофани, эмоционал совуқ алоқани талаб этади. *Болага исми билан мурожаат этинг.*

2. Болага махсус ва тушунарсиз сўзларни қўллаш. Бола билан сухбатда тушунарсиз сўзларни изоҳларсиз қўллаш улар орасидаги ишончли мулоқотни бузилишига олиб келади. Болага тушунарли тилда гапиринг!

3. Касбий ўзаро таъсирдан маишийга ўтиш. Бола ва мутахассис ўзаро муносабатида инсон сифатида эмас, профессионал сифатида таҳлил қилиш. Акс ҳолда, маслаҳат моҳиятига кўра «ошхонадаги сухбатларга» айланади. *Касбий таъсирланинг!*

4. Бошқа инсонлар фикрини қайта кўриб чиқиш. Маслаҳатли алоқа мақсади – инсон фикрини, унинг ҳал қилиш йўллари мантиғини аниқлаш. *Бу ҳақда бошқа инсонлар нима деб ўйлаши ҳақида боладан сўраманг, унинг позициясини аниқланг.*

5. Муаммони ҳаддан ташқари тез аниқлаш. *Сабрли бўлиш.*

6. Бола қадриятларини қабул қилмаслик. Қадриятларни қабул қилиш уларни сўзсиз қўллаб-қувватлашни англатмайди. Бироқ мутахассис бола ҳаётида қадриятлар асосий ўрин эгаллаши ва унинг шахсий моҳиятини англатишини тушунади. *Болага унинг қадриятлар тизими халақит берадимми йўқми, уни ўзи ҳал этиши зарур.*

7. Юқоридан қараш. Мутахассис ўзини «юқори инсон» сифатида тутаётгандек кўринади – ҳамма нарсани биладиган ва барча нарсага қодирдек. *Бола билан тенг позицияда бўлинг.*

Қуйидаги тақиқланган усулларни фарқлаш:

Қарор қабул қилиш – фикр билдириш.

Фикр билдириш сухбатдошнинг ўзини ўзи баҳолашини пасайтиради.

Фикр билдириш – инкор этиш.

1) Қарор қабул қилиш – фикр билдириш – қачонки мутахассис болага нисбатан қарор қабул қилишда ишончсизлик намоён этса ва у учун мустақил ўзи қарор қабул қилиш. Бу қуйидаги кўринишда:

Буйруқ, фармонни ижро этиш. Мутахассис болага нима қилиши ҳақида буйруқ беради. У бола иродасини чўктиради, уни мустақил ҳаракат қилиш, танлаш имкониятидан маҳрум этади.

Таҳдид, огоҳлантириш, ишонтириш. Мутахассис болани огоҳлантирган ҳолда, унинг ҳаракатлари оқибати нима бўлиши ҳақида ҳокимликни қўллайди.

Ўргатиш, ахлоқлаштириш. Мутахассис болага қандай йўл тутишни, ўз ахлоқий принципларини қўллашни мажбурлайди.

Қарор қабул қилишда таклифлар, маслаҳатлар. Мутахассис боланинг муаммоларини ҳал қилиш ҳақида унга гапириш.

2) Сухбатдошнинг ўзини ўзи баҳолашини пасайтирувчи фикрлар:

Айблаш, танқид, муҳокама. Мутахассис болани салбий баҳолаши ва қабул қилиши.

Ҳаддан зиёд мақташ, маъқуллаш. Мутахассис томонидан рағбатлантириш ёки икки юзламачилик билан манипуляция қилиш.

Уялтиришга интилиш, мазах қилиш. Ажойиб вазиятни юритаётгандек кўрсатиш ва уни «таснифлаш» учун болани тентак қилиб кўрсатишга мажбур этиш.

Таъхис қўйиш. Мутахассис болага унинг мотиви нима эканлигини ёки бир қанчасини санаб ўтиш.

Ишонтириш, тинчлантириш. Мутахассис томонидан бола ҳолатини яхшилаш, бироқ бу усуллар у фақат номигагина «айтиши» мумкин бўлган, боланинг қайғуриши ва самимий ёки ҳақиқий туйғусини инкор этган ҳолда, унинг ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилиш.

Сўраш ва изланиш. Мутахассис маълумотларни йиғишда бола гапиришни хоҳламаган ёки гапиришга тайёр эмас ҳолатларида «таъзйиқ» ўтказиш; уни маълумот етказишига мажбурлаш; болага муаммосини англашига ёрдам бериш ёки ўз қарорини қабул қилишни ишлаб чиқишига ёрдам бериш ўрнига ўзи қарор қабул қилиш¹.

¹ОЎМТ-ТДМИ-РБИММ-ЮНИСЕФ. Ўзбекистонда «Ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш дастурини ривожлантириш» лойиҳаси материаллари. – Т., 2008

МУНДАРИЖА

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:	3
I. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР РАҲБАРИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	3
2. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТСИЗЛИГИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	10
3. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДАГИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА МУСТАҲҚАМЛАНГАНЛИГИ.....	144
4. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ	4949
ОИЛА.....	4949
МАҲАЛЛА (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари)	555
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР	5959
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ.....	666
ПРОКУРАТУРА	866
ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ.....	877
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ	966
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ	966
МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ	988
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИ, ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ.....	98
II. БОЛА ҒАЙРИИЖТИМОЙ, ҚОНУНГА ХИЛОФ ХАТТИ- ҲАРАКАТ, ХУСУСАН, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЁКИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНДА УНИНГ ОТА-ОНАСИ, ОТА-ОНА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ	

ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР.....	1000
1. БОЛА ВАҚТНИ БЕХУДА ВА МАЗМУНСИЗ ЎТКАЗАЁТГАНДА:....	1044
2. БОЛА СУРУНКАЛИ РАВИШДА МАКТАБГА БОРИШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНДА.....	1088
3. БОЛА ЧЕКИШНИ БОШЛАСА	1144
4. БОЛА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА БЕРИЛГАНДА	117
5. БОЛА ГИЁҲВАНДЛИККА БЕРИЛГАНДА	1244
6. БОЛА САЛБИЙ ГУРУҲЛАР, ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛГАНДА	1277
7. БОЛА ҚАРОВСИЗ ВА НАРОЗАТСИЗ ҚОЛГАНДА	1311
8. БОЛА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАСИДАН ЁКИ ТАРБИЯ КОЛОНИЯСИДАН ҚАЙТГАНДА.....	1455
9. БОЛА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАНДА	1488
10. БОЛА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНДА	1522
11. БОЛА САЛБИЙ МУҲИТДА ЎСИБ УЛҒАЯЁТГАНДА.....	156
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕТОДИК ТАЛАБЛАРИ.....	159
БОЛАНИНГ ЭҲТИЁЖИНИ ЎРГАНИШ ВА ҚОНДИРИШ	159
БОЛА БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ЭТИКАСИ	165
САВОЛЛАР	172
БОЛА БИЛАН ИШЛАШДА ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАР ВА ХАТОЛАР	175

И. ИСМАИЛОВ, М. ЗИЁДУЛЛАЕВ, Н. ИСРАИЛОВА, Ф. АЗИМОВА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТСИЗЛИГИ ВА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

Масъул муҳаррир: И.Исмаилов, юридик фанлари доктори, профессор

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази

100100 Тошкент, А. Қахҳор кўчаси, 34

Тел.: 281-50-18

Факс: 281-49-54

Электрон манзил: rcsad-3otdel@mail.ru

Шартли босма табағи 11,25. Нашр босма табағи

Тиражи 500. Буюртма №.....

ООО “JAHON PRINT” босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Чилонзор 30, 20а

Тел.: 170-08-91